

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

“МУҲАНДИСЛИК” ФАКУЛЬТЕТИ

“МЕНЕЖМЕНТ” КАФЕДРАСИ

1-МЖ-14 гуруҳ талабаси
Солиев Олимжон Одилжон ўғли
БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Мавзу: Иқтисодийни модернизациялаш жараёнида қишлоқ хўжалиги корхоналарини
ривожлантиришда инвестицияларнинг моҳияти ва аҳамияти
(Уйчи тумани мисолида)

Илмий раҳбар:

доц.Р.Исмамов

Наманган-2018

Аннотация

Солиев Олимжон Одилжон ўғлининг “Иқтисодиётни модернизациялаш жараёнида қишлоқ хўжалиги корхоналарини ривожлантиришда инвестицияларнинг моҳияти ва аҳамияти” мавзусидаги битирув малакавий ишида иқтисодиётни модернизациялаш ва таркибий ўзгартириш жараёнларида хорижий инвестицияларнинг ўрни, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда инвестиция ва инновацияларнинг ўрни, қишлоқ хўжалиги тармоқларига инвестицияни жалб этиш билан боғлиқ муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари ҳамда қишлоқ хўжалиги тармоқларига инвестицияларни жалб этиш истиқболларига бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Битирув малакавий ишининг биринчи бобида, Иқтисодиётни модернизациялаш жараёнида қишлоқ хўжалиги корхоналарини ривожлантиришда инвестицияларнинг моҳияти ва аҳамияти ёритилган.

Битирув малакавий ишининг иккинчи бобида, Уйчи тумани иқтисодиёти тармоқларида олиб борилаётган таркибий ўзгаришлар таҳлил қилинган.

Битирув малакавий ишининг учинчи бобида, Қишлоқ хўжалиги тармоқларига инвестицияларни жалб қилишни такомиллаштириш бўйича таклиф ва мулоҳазалар келтирилган.

Хулоса қисмида мавзуга оид фикрлар умумлаштирилган ва тадқиқот натижалари асосида тавсиялар ишлаб чиқилган.

МУНДАРИЖА

	КИРИШ.....
I-БОБ	Иқтисодиётни модернизациялаш жараёнида қишлоқ хўжалиги корхоналарини ривожлантиришда инвестицияларининг моҳияти ва аҳамияти
1.1.	Иқтисодиётни модернизациялаш ва таркибий ўзгартириш жараёнларида хорижий инвестицияларнинг ўрни.....
1.2.	Қишлоқ хўжалигига инвестициялар жалб этиш зарурияти ва унинг ҳуқуқий асослари.....
1.3.	Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда инвестиция ва инновацияларнинг ўрни.....
II- БОБ	Уйчи тумани иқтисодиёти тармоқларида олиб борилаётган таркибий ўзгаришлар
2.1.	Уйчи тумани иқтисодиёти тармоқларида олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар таҳлили.....
2.2.	Қишлоқ хўжалиги тармоқларини модернизациялаш ва инвестициялар жалб қилиш ҳолати
2.3.	Уйчи туманида қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари.....
III-БОБ	Қишлоқ хўжалиги тармоқларига инвестицияларни жалб қилишни такомиллаштириш.....
3.1.	Қишлоқ хўжалиги тармоқларига инвестицияни жалб этиш билан боғлиқ муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари.....
3.2.	Қишлоқ хўжалиги тармоқларига инвестицияларни жалб этиш истиқболлари.....
3.3	Фермер хўжаликларини экспорт салоҳиятига инвестициялар жалб қилиш.....
	ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР
	Фойдаланилган адабиётлар.....

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Иқтисодий эркинлаштириш ва модернизация қилиш шароитида қишлоқ хўжалигида кўп укладли иқтисодий негизларини яратиш муҳим масала ҳисобланади. Республикамиз ҳукумати ҳам аграр секторни ислоҳ қилишга, унинг шаклан ва мазмунан янги тузилмасини яратишга асосий эътиборни қаратмоқда.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш воситаларига сарфланадиган барча маблағлар инвестициялар деб аталади. Улар қишлоқ хўжалиги (корхоналар)нинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаб, ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаштириш, кимёлаштириш, электрлаштириш, ирригация-мелиорациялаштириш натижасида харажатларни камайтириб, етиштириладиган маҳсулотлар ҳажми кўпайиши ва сифати яхшиланишини, олинадиган даромад (фойда) суммаси оширишни таъминлайди. Бу инвестицияларни амалга оширишнинг туб мақсадидир.

Мамлакатимизда аграр соҳа илмий-таъминот тизимини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Республика ҳукумати томонидан ушбу тизимни бозор иқтисодиёти талабларига мослаштириш мақсадида бир қатор ислохотлар амалга оширилди. Бундан қўзланган асосий мақсад, ...”таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини изчил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш”¹дан иборатдир.

Мамлакат аҳолисининг истеъмол буюмларига ва озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабни қондириш энг аввало агросаноат мажмуаси ва бу мажмуанинг асоси бўлган қишлоқ хўжалиги тармоғининг ривожланиш даражасига боғлиқ. Бугунги кунда қишлоқ хўжалигига инвестицияларни жалб этиш иқтисодий тизимизда рўй бераётган ислохотларнинг таркибий қисмидир. Айни модернизациялаш шароитида бундай ислохотларнинг қўлами янада кенгайиб бормоқда. ... “фермер хўжаликлари, энг аввало, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш билан бир қаторда, қайта ишлаш, тайёрлаш, сақлаш, сотиш, қурилиш ишлари ва хизматлар кўрсатиш билан шуғулланаётган кўп тармоқли фермер хўжаликларини рағбатлантириш ва ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш”² лозим.

Қишлоқ хўжалигининг барқарор ривожланиши тармоқда мавжуд бўлган ишлаб чиқариш воситалари оқилона тарзда такрор ишлаб чиқарилишини талаб этади. Бу жараён ишлаб чиқариш воситаларини сотиб олиш, қайта таъмирлаш, қуриш, инновацион ҳамда ижтимоий муносабатлар йиғиндисидан ташкил топади.

Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантириш мақсадида инвестициялар сарфланиши объектив зарурият ҳисобланади. Чунки тармоқни устувор шаклда ривожлантириш учун унинг моддий-техника базасини мустаҳкам равишда барпо этиш зарур. Бунинг учун уни замонавий бино-иншоотлар, барча турдаги зарур техникалар, қишлоқ хўжалик механизмлари, ички ирригация ва мелиорация иншоотлари, серунум, тезпишар навлар, зотли, маҳсулдор ҳайвонлар ҳамда айланма воситалар ва бошқа ишлаб чиқариш воситалари билан таъминлаш лозим.

Жаҳон молиявий инқирозининг таъсирини камайтириш ва унинг оқибатларини бартараф этиш учун ҳукуратимиз томонидан унинг бугунги ва эртанги кутиладиган таъсирини ҳисобга олган ҳолда, катъий, ҳар томонлама уйланган кенг қуламли лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг самарадорлигини янада ошириш принципаал муҳим аҳамиятга эга эканини инобатга олиб, фермер хўжаликларига ажратиладиган ер майдонларини оптималлаштириш базасида зарур ишлар амалга оширилмоқда. Фермер хўжаликлари бугунги кунда ҳақли равишда қишлоқда етакчи бўғинга-қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи асосий кучга айланди ва ҳаётнинг узи қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқаришнинг энг самарали шакли эканини тасдиқлаб бермоқда.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, қишлоқ хўжалигида инвестицияларни жалб этиш ва уларни бошқаришда, бунга доир қонунларни амалиётга жорий этишда ташкилий, иқтисодий ҳамда ҳуқуқий масалаларда бир қатор муаммолар борлиги белгиланди. Ушбу жараённи самарали ташкил

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғриси”да. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғриси”да. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда

этиш, пайдо бўлаётган муаммолар ечимларини илмий асослаш, ислохотларнинг ҳукукий, иқтисодий ва ташкилий жиҳатларини такомиллаштириб бориш зарурияти пайдо бўлмоқда.

Шунинг учун ҳам, республикамизда олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар натижаларини ҳар томонлама илмий ўрганиш қишлоқ хўжалигида инвестицияларни жалб этиш асосида деҳқон ва фермер хўжаликлари фаолиятини ривожлантириш, уларни моддий-техник воситалар ва ер билан таъминлаш борасидаги муаммолар ечимлари бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш зарурияти ушбу танланган мавзунинг долзарблигини ифодалайди.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, инвестициялар жалб қилиш масалаларини иқтисодчи олимлардан С.Н.Усмонов, Р.Хусанов, Қ. Ҳасанжонов, Н. Хушматов, К.Чориев, А.Абдуганиев, Э.Акрамов, А.Жўраев, С.Жалолов, Т..Эргашев, А. Шокиров ва бошқаларнинг тадқиқотларида кенг ўрин берилган.

Битирув малака ишининг мақсади ва вазифалари. Битирув малака ишининг мақсади иқтисодиётни модернизациялаш шароитида қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятига инвестициялар жалб қилиш ва уни бошқаришни самарадорлигини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Қўйилган мақсадга эришиш учун битирув малака ишида қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

- Иқтисодиётни модернизациялаш ва таркибий ўзгартириш жараёнларида инвестицияларнинг ўрнини очиб бериш;
- Қишлоқ хўжалигига инвестициялар жалб этиш зарурияти ва унинг ҳукукий асосларини ўрганиш;
- Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда инвестиция ва инновацияларнинг ўрни кўриб чиқиш;
- Уйчи тумани иқтисодиёти тармоқларида олиб борилаётган иқтисодий ислохотларни таҳлил қилиш;
- Қишлоқ хўжалиги тармоқларини модернизациялаш ва инвестициялар жалб қилиш ҳолати ўрганиш;
- Уйчи туманида қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари бўйича таклифлар бериш;
- Қишлоқ хўжалиги тармоқларига инвестицияни жалб этиш билан боғлиқ муаммолар ва уларни ҳал этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;
- Қишлоқ хўжалиги тармоқларига инвестицияларни жалб этиш истиқболлари бўйича таклифлар бериш;

Тадқиқот предмети. Қишлоқ хўжалиги корхоналарини ривожланиши ҳамда ташқи иқтисодий алоқалари тизими тадқиқот предмети ҳисобланади.

Тадқиқотнинг ўрганиш жойи. Тадқиқотнинг ўрганиш жойи сифатида Уйчи тумани танланди.

Тадқиқотнинг назарий-услубий асослари ва усуллари. Ўзбекистон Республикаси қонунлари, мавзуга оид Президент Фармонлари ва асарлари, қишлоқ хўжалиги корхоналарини ривожлантириш улар фаолиятига инвестициялар жалб қилишга бағишланган хорижий ва республикамиз етакчи олимларининг илмий асарлари битирув малака ишининг услубий асосини ташкил этади.

Тадқиқот жараёнида иқтисодий таққослаш, монографик ўрганиш, мантикий фикрлаш, статистик гуруҳлаш ва бошқа усуллардан кенг фойдаланилди.

Битирув малака ишининг таркибий тузилиши. Битирув малака иши кириш, учта боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар қисмларидан иборат.

1.БОБ. Иқтисодийни модернизациялаш жараёнида қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда инвестицияларнинг моҳияти ва аҳамияти

1.1. Иқтисодийни модернизациялаш ва таркибий ўзгартириш жараёнларида инвестицияларнинг ўрни

Мамлакатни ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ривожланишида инвестицияларнинг жумладан, хорижий инвестицияларнинг аҳамияти каттадир. Маълумки, ҳар қандай давлат дунёдан ажралган ҳолда жаҳон тажрибаларини ўрганмасдан, дунёнинг етакчи давлатлари илм, фан ва техника соҳасида эришган ютуқларини қабул қилмасдан ривожланиши мумкин эмас. Ўзбекистон иқтисодиётида чуқур иқтисодий ислохотлар, таркибий ўзгаришлар амалга оширилган экан, хорижий инвестициялар ривожисиз тасаввур этиб бўлмайди.

Глобаллашув жараёнига қўшилиш бу дунёнинг етакчи давлатлари билан ҳамкорликда бўлиш, ижтимоий иқтисодий ва сиёсий соҳадаги давлат сиёсатининг ўзаро манфаатли асосда бу давлатлар сиёсатига мос келишидир. Замонавий жаҳон иқтисодиёти учун инвестиция фаоллиги ва жаҳон иқтисодиёти глобаллашувининг кучайиши муҳим аҳамият касб этади. Ривожланаётган мамлакатлар ва бозор иқтисодиётига утиш даврини бошидан кечираётган давлатларнинг халқаро меҳнат тақсимотидаги роли ортиб бораётганлиги ҳам унга ижобий таъсир кўрсатади.

Шунингдек, глобаллашув жараёнига иқтисодий эркинлаштириш, илмий-техника таракқиётининг тезлашиши, рақобатнинг кучайиши ва бошқа бир қатор омиллар ҳам ҳосилдир.

«Чет эл инвестициялари» туғрисида Ўзбекистон Республикасининг (1998 йил 30 апрель) қонунининг 3- моддасида «Чет эллик инвесторлар асосан даромад (фойда) олиш мақсадида тадбиркорлик фаолияти ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа турдаги фаолият объектларига қўшадиган барча турдаги моддий ва номоддий бойликлар ва уларга доир ҳуқуқлар, шу жумладан, интеллектуал мулкка доир ҳуқуқлар, шунингдек чет эл инвестицияларидан олинган ҳар қандай даромад Ўзбекистон республикаси ҳудудида чет эл инвестициялари деб эътироф этилади».³ Хорижий инвестицияларнинг умумий таърифи Ф. Хениуснинг 1947 йил АКШда чоп этилган ташқи савдо луғатининг 2- нашрида қуйидагича: «Хорижий инвестициялар - бир мамлакат ҳудудидан иккинчи мамлакат ҳудудига киритилган, экспорт қилинган инвестициялар»⁴ таъриф берилган.

Бизнингча чет эл инвестициялари – чет эл мамлакатларининг миллий иқтисодиётга моддий, молиявий ва номоддий (нау-хау) кўринишидаги муддатли қўйилмаларнинг барча шакллари тушунилади. Бу қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин: қўшма корхоналарни ташкил қилишда ўз улуши билан қатнашиш, хорижий сармоядорларга тўла тегишли бўлган корхоналарни барпо этиш, хорижий шахслар томонидан қимматли қўғозларни, шунингдек, заём ва кредитлар олиш.

Ўзбекистон улкан хорижий инвестициялар йўналтирилаётган мамлакатлар гуруҳига кириш учун барча шарт-шароитларга, хорижий инвестицияларни жалб этиш учун бир қатор афзалликларга эга. Ўзбекистон жаҳон ҳамжамияти олдида узининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси, дунё харитасида географик жойлашиши, табиий ресурсларининг таркиби ва захираси, ҳукумат олиб бораётган иқтисодий сиёсат ва бошқалар билан муҳим рол уйнайди.

Бу эса ўз навбатида хорижий инвестицияларнинг кириб келиши учун қулай инвестицион муҳит барпо этиш шартларининг айримларини ўз ичига олади. Хорижий инвестициялар иқтисодий жараёнлар ҳисобланиб, жаҳон бозори билан ўзаро яқин ва тўлиқ боғлиқликда бўлади. Шу нуқтаи-назардан у кўпгина иқтисодий жараёнларни ўзида қамраб олади. Хорижий инвестициялар бозор муносабатларига ўтаётган мамлакатлар иқтисодиётини таркибий қайта қуриш суръатларини тезлаштириш имконини беради. Энг муҳим йўналиш сифатида хорижий инвестицияларни жалб этишни ўз ичига олган инвестиция фаолиятининг жадаллашуви бугунги кунда ўтиш даврини бошидан кечираётган мамлакатлар учун аниқ муддао. Хорижий инвестицияларни жалб этиш у ёки бу мамлакатда олиб борилаётган сиёсий ва ижтимоий – иқтисодий ислохотларга боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш йўналишлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган 2017 йил 14 январдаги Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом

³ Ўзбекистоннинг янги қонунлари. 19-сон,-Т.: Адолат,1998.532-бет.

⁴ Самархужаев Б.Б. Инвестиции в Республике Узбекистан. Ташкент, 2003г. С.16.

ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак”⁵ номли маърузасида қайд этилган хулоса ва кўрсатмалар ҳамда вазифалар, белгилаб берилган устувор йўналишлар вазирлик ва тизимдаги барча ташкилот, корхона ҳамда муассасаларда дастуриламал сифатида қабул қилиниб, жорий йилнинг ўтган даврида қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш бўйича муайян ишлар амалга оширилган.

2017 йил якуни билан **67 трлн. 208 млрд сўмлик** (2016 йилда 50,2 трлн.сўм) ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулоти ишлаб чиқарилиб, ўтган йилга нисбатан 101,9 фоизлик ўсишга эришилган.

Яқунланган йилда бошоқли дон ишлаб чиқариш 8 млн. 116 минг тоннани (2016 йилга нисбатан 98,2 %), сабзавот ишлаб чиқариш 11 млн. 434 минг тоннани (101,4 %), картошка 3 млн. 15 минг тоннани (101,9 %), полиз 2 млн. 95 минг тоннани, мева 3 млн 76 минг тоннани, узум етиштириш 1 млн. 749 минг тоннани ташкил этди.

Чорвачилик соҳасида ҳам барқарор ўсиш кўрсаткичлари таъминланди. Жумладан, гўшт етиштириш 2 млн. 281 минг тоннани, сут етиштириш 10 млн.83 минг тоннани, тухум ишлаб чиқариш 6 млрд. 605 минг донани ташкил қилди.

Вазирлик тизимида таққослама баҳоларда 52 млрд. 515 млн. сўмлик (2016 йилга нисбатан ўсиш 108,1%) саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди.

2017 йилда давлат бюджети маблағлари ҳисобидан 443 млрд. капитал маблағлар ажратилиб, 464,1 млрд. сўмлик капитал қурилиш ишлари бажарилди.

2017 йилги Инвестиция дастури доирасида Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизимида республика Ҳукумати кафолати остида 13 та лойиҳа бўйича ишлар амалга оширилиши режалаштирилган бўлиб, мазкур лойиҳалар доирасида йил якуни билан режалаштирилган 181,5 млн. доллар ўрнига амалда 198,8 млн. доллар инвестиция маблағлари ўзлаштирилди ва прогноз кўрсаткичлар 109,5% га бажарилган.

“Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Давлат дастури” бўйича 2017 йилда жами 455,0 млрд сўмлик (2016 йилда 428 млрд сўм) бюджет маблағлари ўзлаштирилиши режалаштирилиб, 2017 йилда ушбу маблағлар тўлиқ ўзлаштирилди ва кенг миқёсда мелиорация тадбирлари амалга оширилди⁶.

Инвестициялар замонавий техника ва технологиялар билан қуролланиш, илмий техник, ишлаб чиқариш ва ақлий имкониятларини тиклашнинг асосий воситадир. Айнан хорижий инвестициялар орқали миллий иқтисодиёт жонланиб, ишлаб чиқаришда замонавий рақобатбардош товарлар ишлаб чиқаришга ихтисослашиб борилади. Бу эса ўз навбатида янги иш ўринларининг очилиши ва мамлакатдаги мавжуд иқтисодий ва ижтимоий муаммоларининг ҳал бўлишига олиб келади.

Жаҳон тажрибасини кўрсатишича, мамлакат иқтисодиётида хорижий инвестицияларнинг тутган ўрни, салмоғи мазкур давлатдаги инвестицион муҳитнинг қанчалик қулайлигини белгилайди. Бу муҳит кўп жihatдан хорижий инвестицияларга нисбатан давлат олиб бораётган сиёсатини ва ташки иқтисодий фаолиятининг давлат томонидан тартибга солишининг хусусиятлари билан баҳоланади.

1.2. Қишлоқ хўжалигига инвестициялар жалб этиш зарурияти ва унинг ҳуқуқий асослари

Инвестициялар ҳар қандай ижтимоий-иқтисодий соҳаларда амалга оширилади. Чунки улар давлатни, тармоқ, корхоналар, ва ниҳоят, аҳолининг иқтисодий негизини мустаҳкамлашга сарфланади. Эркин бозор иқтисоди босқичма-босқич шакллантирилаётган Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш мақсадида инвестициялар сарфланиши

⁵ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. “Халқ сўзи” газетаси. 2017 йил. 15 январь.

⁶ Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди

объектив зарурият ҳисобланади. Чунки тармоқни устувор шаклда ривожлантириш учун унинг моддий-техника базасини мустаҳкам равишда барпо этиш зарур. Бунинг учун уни замонавий бино-иншоотлар, барча турдаги зарур техникалар, қишлоқ хўжалик механизмлари, ички ирригация ва мелиорация иншоотлари, серунум, тезпишар навлар, зотли, маҳсулдор ҳайвонлар ҳамда айланма воситалар ва бошқа ишлаб чиқариш воситалари билан таъминлаш лозим.

Ҳозирги даврда инвестицион маблағлар янги, самарали технологияга ҳамда интеллектуал мулкни барпо этишга ҳам сарфланиши мақсадга мувофиқдир. Бу муаммонинг тўғри, самарали ҳал этилиши маълум миқдордаги инвестициялар сарфланишини объектив равишда талаб этади. Демак, инвестиция маблағлари тармоқда доимий ва ўзгарувчан капитални ҳамда интеллектни барпо этиш ва уларни ривожлантириш ҳамда юксалтириш учун сарфланади. У узоқ ҳамда қисқа муддатларга мўлжаллаб сарфланиши мумкин. Агарда қишлоқ хўжалигининг асосий воситаларини сотиб олишга, қуришга ҳамда уларни капитал таъмирлашга сарфланса, унда бу сарфлар узоқ муддатга мўлжаллангандир. Уларни асосий капиталга сарфланган инвестициялар деб аташади. Шу билан биргаликда инвестициялар қишлоқ хўжалигининг айланма воситаларига ҳам сарфланади. Улар қисқа муддатга сарфланган ҳисобланади. Демак, инвестициялар натижасида қишлоқ хўжалигининг ишлаб чиқариш воситалари барпо этилиб, уларнинг ишга яроқлилиги тубдан яхшиланади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш воситаларига сарфланадиган барча маблағлар инвестициялар деб аталади. Улар қишлоқ хўжалиги (корхоналар)нинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаб, ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаштириш, кимёлаштириш, электрлаштириш, ирригация-мелиорациялаштириш натижасида харажатларни камайтириб, етиштириладиган маҳсулотлар ҳажми кўпайиши ва сифати яхшиланишини, олинadиган даромад (фойда) суммаси оширишни таъминлайди. Бу инвестицияларни амалга оширишнинг туб мақсадидир.

Шуларни эътиборга олган ҳолда республикада барқарор инвестицион сиёсат ишлаб чиқилган. У мамлакатда «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги, «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги (1998й) қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида амалга оширилмоқда.

Инвестициялар мақсад ҳамда вазифаларига кўра, қуйидаги турларга бўлинади:

- капитал инвестициялар;
- инновацион инвестициялар;
- ижтимоий инвестициялар.

Асосий фондларни барпо этишга ва такрор ишлаб чиқаришга, шунингдек, моддий ишлаб чиқаришнинг барча шакллари ривожлантиришга сарфланган инвестициялар капитал инвестициялар, деб аталади.

Техника ва технологияларнинг янги авлодини яратиш ва ўзлаштиришга сарфланган инвестициялар инновация инвестициялардир.

Инсон салоҳиятини, малакасини ва ишлаб чиқариш тажрибасини оширишга, шунингдек, номоддий неъматларнинг бошқа шакллари ривожлантиришга сарфланadиган маблағлар ижтимоий инвестициялар деб аталади.

Улар реал ҳамда молиявий инвестицияларга ҳам бўлинади. Моддийлашган асосий ва айланма воситаларга сарфланган маблағлар реал инвестицияларни ташкил этади.

Қимматли қоғозларни (акция, облигация, вексел, сертификат) шакллантиришга сарфланган маблағлар эса молиявий инвестициялар ҳисобланади. Реал инвестицияларни капитал қўйилмалар, деб ҳам аташ мумкин. Капитал қўйилмалар ялпи ва соф капитал қўйилмаларига бўлинади. Реал инвестицияларнинг умумий суммаси ялпи капитал қўйилмаларини ташкил этади. Реал инвестицияларни сарфлаш натижасида ишга туширилган қисми соф капитал қўйилмалардир. Соф капитал қўйилма ялпи капитал қўйилма суммасига тенг ёки кам бўлиши мумкин. Қишлоқ хўжалиги, жумладан, корхоналар миқёсида ялпи капитал қўйилмани соф капитал қўйилмага айлантиришга алоҳида эътибор берилиши лозим. Сарфланаётган реал инвестициялар моддийлаштирилишини, яъни ишга туширилишини таъминлаш зарур.

Миллий ҳисоблар тизимида асосий капиталга ҳамда моддий ишлаб чиқариш воситаларига сарфланган маблағлар реал инвестициялар деб ҳисобга олинади.

Лекин, республика қишлоқ хўжалигида эркин бозор муносабатлари суи суръатлар билан ривожлантирилаётганлиги молиявий инвестициялар кўлами кенгайишини талаб даражасида таъминламайпти. Жумладан, жамоа, ширкат, фермер хўжаликларида қимматли қоғозлар (акция, облигация, сертификат, векселлар...) чиқарилиб, сотилаётгани йўқ. Келажақда бу муҳим масалани ҳал этишга алоҳида эътибор бериш мақсадга мувофиқдир. Давлатнинг иқтисодий сиёсатида

қишлоқ хўжалик корхоналарида ҳам қимматли қоғозлар бозорини ташкил этиш тадбирлари ишлаб чиқиши ва улар амалиётга татбиқ этилиши лозим.

Капитал қўйилмаларнинг миллий иқтисодий ва қишлоқ хўжалигидаги аҳамияти улкан. Биринчидан, капитал қўйилмалар жами харажатларнинг асосий қисми ҳисобланади. Капитал қўйилмалардаги ўзгаришлар жами талабга етарлича таъсир кўрсатади, шунингдек аҳолининг бандлиги ва ялпи миллий даромад (ЯМД) ҳажмининг ҳам ўзгаришини таъминлайди.

Иккинчидан, капитал қўйилмалар корхонанинг асосий фондлари жамғарилишига, яъни кўпайишига олиб келади. Бунда ишлаб чиқариш кучларини кенгайтиришга сарф қилинган пул маблағлари бошланғич босқичда корхона фаолияти натижаларига таъсир этмаслиги мумкин, лекин келажакда иқтисодий ўсиш учун зарур базани яратади.

Учинчидан, капитал қўйилмаларнинг нораціонал сарф қилиниши ишлаб чиқариш ресурслари, харажатлар ўсишига олиб келади, натижада ЯМД қисқаради. Мисол учун, тугатилмаган қурилишнинг кўпайиши, моддий ресурслар ошиши, тўланадиган иш ҳақининг кўпайиши ҳамда ишлаб чиқаришнинг қисқариши шулар жумласидандир. Худди шундай тарзда норитмик ҳолда етказиб берилган воситалар меъёрдан юқори бўлиб, корхона захираларига ҳам таъсир кўрсатади. Улар сарфланаётган капитал қўйилмаларнинг қиймати ўсишига ҳамда самарадорлигига таъсир этади.

Инвестициялар (капитал қўйилмалар) қишлоқ хўжалигининг ҳар томонлама ривожланишини таъминлайди. Чунки улар эвазига тармоқнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланади. Улардан тўлиқ ва самарали фойдаланиш натижасида жонли меҳнат харажатлари қисқариб, маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми кўпайиб, сифати яхшиланади. Бу ҳол қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган талаб янада яхшироқ қондирилишини таъминлайди. Шу билан биргаликда соф фойда суммаси кўпаяди. Натижада қишлоқ хўжалигини кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш асосида ривожлантириш имконияти туғилади. Аҳолининг ижтимоий-иқтисодий аҳволи янада юксалади. Булар инвестициялар, капитал қўйилмаларнинг ижтимоий ҳамда иқтисодий самарадорлиги мавжудлигидан далолат беради.

Қишлоқ хўжалигини инқироздан кейинги барқарор иқтисодий ўсишини таъминлаш бевосита унинг инвестициялаш ҳажми ва сифатини оширишга боғлиқ. Қишлоқ хўжалигига чет эл инвестицияларини жалб этиш 1997 йилдан бошланган. Энг кўп инвестиция даражаси, умумий инвестициянинг 11,9 фоизи (1999 йил), ками эса 1,8 фоиз (2004 йил) кузатилган. Қишлоқ хўжалигига инвестицияларни жалб этилиши нотекис бўлиб, камайиб бориш кузатилади. Демак, Ўзбекистон ўз эҳтиёжлари учун кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқариш ва чет эл инвестицияларини камроқ олишга эришган.

Қишлоқ шароитида ер-сув, ерга эгалик ва ер-сувдан фойдаланувчи корхона (фирма, деҳқон хўжалиги, ташкилот, шахс) ёки агросаноат мажмуи бугунги кунда мулкчилик шакллари, хўжалик юритиш механизмнинг ўзгариши ва хусусийлаштириш тамойиллари асосида фаолият кўрсатмоқдалар ва маълум даражада ривожланиб, бозор иқтисодиёт талабларигамос равишда тараққийлашиб бормоқда.

Агросаноат концепцияси агробизнес мақсадларининг ҳозирги талқини – истеъмолчини талабини қондиришга мос келади. Рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга қодир янги Агросаноат корхоналари жойлаштириш ва эски корхоналарни модернизация қилиш учун чет эл инвестицияларини жалб қилмоқда.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари оқимларининг силжиши (ҳаракатланиши, истеъмолчига етказиш, ташиш, сақлаш, стандартлаш ва б.) аграр таъминот инфратузилмасидан самарали фойдаланишни талаб қилади, чунки унинг тўла ишга солинмаслиги маҳсулотлар айланиши (ишлаб чиқариш, узиш ёки териш, ишлов бериш, тақсимлаш, ташиш воситаларига жойлаш, юклаш (ортиш), ташиш ва истеъмолчидан транспортдан тушириш, омборхона ёки сақлаш (қайта ишлов бериш) жойига етказиш, маҳсулотларга саноат қайта ишлов бериш, сотиш ва бошқалар) харажатларини ўсишга ва маҳсулот сифатини пасайишига сабаб бўлиши мумкин.

Маҳсулотни ишлаб чиқаришдан истеъмолчига етказиш тизимидаги барча унсур, операция ва жараёнларни ривожлантириш, янги хизмат турларини ўзлаштириш ва бошқаларни амалга ошириш лозим. Бу билан агросаноат учун мўлжалланган иқтисодий самараларга эришиш мумкин.

Энг муҳими қишлоқ хўжалик тузилмасини ўзгариши натижасида, аграр соҳада, яъни қишлоқ хўжалик ресурсларидан оқилона фойдаланиш мазмунан сифат ўзгаришларга олиб келади.

Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш жараёнлари аксарият ҳолларда ерни экишга тайёрлаш, ўғитларини тегишли ерларга олиб чиқиш, ерга ишлов бериш (ерни хайдаш), гербицидлар билан таъминлаш, экишдан олдинги культивация қилиш, экиш, экинларни парвариш қилиш ишлари,

ҳосилни етилишини аниқлаш, ҳосилга товар сифатини бериш (стандартлаш, ҳосилни товар сифатига шаклланганлигини аниқлаш, товарлик даражасини баҳолаш, ҳосилни йиғиш, териш ёки узиш, ҳосилга товарлик ишлови бериш каби жараёнлар хос бўлса яна маҳсулотларни қайта-қайта бир жойдан иккинчи манзилга ташишни ташкил этишлари, лозим бўлса қайта ишлов беришлари, харид қилишни ташкил этишлари, ўз маҳсулотларига талабни ошириш мақсадида реклама қилишни ташкил этишлари керак. Бу жараёнларни агросаноат томонидан бажарилади.

Ҳар бир қишлоқ хўжалик корхонаси, у қандай шаклда бўлишидан қатъий назар, маҳсулот етиштириш ва хизмат кўрсатишни ташкил қилиш учун сармоя сарф этади. Бозор иқтисоди эса, ҳар бир инвестор сармоясини сарфлашдан олдин сармоя сарфланадиган тадбир қандай натижа беришини, унинг иқтисодий самараси қандай бўлишини билишни талаб этади. Фермер хўжалиги ҳам сарфланадиган ёки йўналтириладиган капитал сарфларни, узок муддатга фойдаланиладиган воситаларни ташкил этишга қаратилган маблағлар самарасини лойиҳалаштириш жараёнида кўзда тутди.

Инвестиция қилиш учун фермер хўжалиги маблағни ўз даромади ёки ёлланган маблағ (банк ва турли жамғармалар)дан ташкил этиши мумкин. Фермер хўжалиги бирон тадбирни амалга ошириш учун ташқаридан маблағ жалб қиладиган бўлса, тадбирни ифода этувчи лойиҳада кўзда тутилган сарф-харажатлари иқтисодий самарадорлиги аниқ ҳисобланган бўлиши керак. Бу лойиҳани техник-иқтисодий жиҳатдан асосланганлигини ифодаловчи ҳужжатда акс эттирилади.

Инвестициялар ҳар қандай ижтимоий-иқтисодий тузумда амалга ошириладиган жараёндир. Чунки улар давлатни, тармоқ, корхоналар ва ниҳоят, аҳолининг иқтисодий негизини мустаҳкамлашга сарфланади. Эркин бозор иқтисоди босқичма-босқич шакллантирилаётган Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш мақсадида инвестициялар сарфланиши объектив зарурат ҳисобланади. Чунки тармоқни устувор тарзда ривожлантириш учун унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш зарур. Бунинг учун уни замонавий бино-иншоотлар, барча турдаги зарур, самарали техникалар, қишлоқ хўжалиги механизмлари, ички ирригация ва мелиорация тизимлари, серунум, тезпишар навлар, зотли, наслдор ҳайвонлар ҳамда айланма воситалар, инновацион технологиялар ва бошқа ишлаб чиқариш воситалари билан таъминлаш зарур.

Бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ хўжалигида инвестицион сиёсатни шакллантиришда қуйидагиларга алоҳида эътибор бериш лозим:

- тендер асосида рақобатбардош лойиҳаларни танлаш қишлоқ хўжалигида инвестицион лойиҳалар бозори барпо этилишини таъминлайди;

- қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган инвестицияларнинг иқтисодий жиҳатдан асосланганлигига. Қишлоқ хўжалиги табиий-иқтисодий омилларининг хусусиятлари реал ҳисобга олинган ҳолда иқтисодий-ижтимоий натижалари аниқланган бўлиши; чунки, аксарият ҳолларда лойиҳада белгиланган маблағлар кўзда тутилган тадбирларни бажариш учун етмайди, оқибатда кўзланган мақсадга эришилмайди; бу ҳол инвестицион лойиҳалар узок муддатга чўзилишига олиб келади;

- чет эл инвесторларини ва уларнинг инвестицияларини қишлоқ хўжалигига жалб этиш; бунинг учун қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқарилаётган барча маҳсулотларга шахсий ва хусусий мулкчиликни ривожлантириш лозим.

Ҳозирги даврда республикадаги сиёсий-иқтисодий барқарорлик қишлоқ хўжалигига инвестициялар жалб этилишига имконият бермоқда. соҳанинг изчил ривожланишини таъминлаш мақсадида инвестиция сиёсатининг ҳуқуқий асослари ҳам барпо этилганлиги сўнгги йилларда тармоққа маълум миқдорда инвестициялар киритилишини таъминламоқда. Иқтисодиёт тармоқлари бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг тармоқлар бўйича тақсимланишида қишлоқ хўжалигига сарфланган инвестициялар ҳажми 2011-2014 йилларда 5,2 фоиздан 4,1 фоизгача тушганлигига қарамасдан, ҳақиқатда, тармоққа шу даврда киритилган инвестициялар суммаси ҳақиқий нархларда 941,9 млрд. сўмдан 1444,5 млрд. сўмга кўтарилган ёки 1,5 баровар кўпроқ инвестиция киритилган.

Шу билан бир қаторда, тармоқда чет эл инвестицияларини жалб этиш учун қулай инвестиция муҳити шакллантирилиб, унинг ҳуқуқий асослари ривожлантирилмоқда. Натижада тармоққа киритилаётган инвестиция суммаси сўнгги йилларда сезиларли

даражада ошган. Шу жумладан, 2000 йилда 7,9 млрд. сўмга яқин чет эл инвестицияси жалб қилинган бўлса, 2014 йилга келиб ушбу кўрсаткич 157,4 млрд. сўмни ташкил этди. Шу йиллар мобайнида жалб этилган чет эл инвестицияларининг ҳажми деярли 20 баробарга ошди.

Қишлоқ хўжалигига киритилаётган инвестициялар асосан: бино ва иншоотларни қуриш ва капитал таъмирлаш, янги технологияларни олиб кириш, ирригация-мелиорация тадбирларини амалга ошириш, чорвачиликни ривожлантириш, ишлаб чиқаришни модернизациялашга, интеллектуал салоҳиятни ривожлантиришга мақсадли йўналтирилмоқда.

Сарфланадиган инвестициялар натижасида ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланиб, сув билан таъминланганлик даражаси юксалмоқда, ишлаб чиқаришнинг механизациялаштирилиши, минерал ва маҳаллий ўғитлардан самарали фойдаланиш туфайли экинлар ҳосилдорлиги ошмоқда. 2010-2014 йилларда дон экинлари ҳосилдорлиги 43,6 дан 45,3 центнерга, картошка ҳосилдорлиги эса 194,9 дан 213,6 центнерга етди. Шу йилларда сабзавот экинларининг ўртача ҳосилдорлиги 106 фоизга ошиб, 268,3 центнерни, мева ва резаворлар ҳосилдорли 125 фоизга ортиб, 116 центнерни ташкил этди.

Келажақда қишлоқ хўжалигининг моддий-техник базасини талаб даражасида барпо этиш, меҳнат ишчи кучи ресурсларининг билим ва малакалари, тажрибаларини ошириш учун инвестициялар сарфлашни изчил давом эттириш мақсадга мувофиқдир. Республикамизда қишлоқ хўжалиги соҳасини инвестициялар киритиш амалиётини такомиллаштириш борасида қатор муаммолар мавжуд. Улардан асосийлари, фикримизча, қуйидагилардан иборат:

1. Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини минерал ўғитлар билан таъминлаш тизимини инвестициялаш ҳажми ва сифатини ошириш муаммоси.

Маълумки, минерал ўғитлар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг самарадорлигини таъминлашнинг зарурий омили ҳисобланади. Шу сабабли республикамизда калийли ва фосфорли ўғитлар ишлаб чиқариш ҳажмини кескин ошириш талаб этилади. Бу эса, импорт ҳажмининг камайишига хизмат қилади.

2. Ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида жаҳон молиявий-иқтисодий-инқирози муносабати билан қишлоқ хўжалиги соҳасида пул оқимининг заифлашуви кузатилмоқда. Бунинг асосий сабаби шундаки, қишлоқ хўжаликлари томонидан сотилган товарлар ва кўрсатилган хизматлар бўйича тўловларни ўз вақтида ундириш кечикмоқда.

Бунинг натижасида улар лизинг тўловларини ўз вақтида амалга ошириш имкониятига эга бўлмай қолмоқда. Оқибатда тижорат банклари ва лизинг компаниялари қишлоқ хўжаликлари фаолиятини лизинг асосида молиялаштириш операцияларини таваккалчилик даражаси юқори бўлган операциялар сифатида баҳолашмоқда.

3. Ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалигида фаол инвестиция сиёсатини олиб боришда соҳасини малакали кадрлар билан таъминлаш масаласи инвестицияларни жалб этишда муҳим аҳамият касб этади. Инвестицион прогнозлар ва дастурлар, бизнес режалар ишлаб чиқиш ва баҳолаш, инқироз шароитида инвесторлар топиш, рақобат, инфляция, бозор конъюнктурасининг номўътадил шароитларида лойиҳаларни бошқариш учун янги билим ва тажрибалар талаб қилинади. Бунда кадрларнинг билими, малакаси, савияси етарли бўлмаган мутахассислар ҳисобига шаклланганлиги инвестиция бизнеси ривожига салбий таъсир кўрсатади.

Инвестиция сиёсатида соҳани малакали кадрлар билан таъминлаш борасида қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

- иқтисодий, техник ва қурилиш хўжаликлари бўйича олий таълим муассасаларида инвестиция-инновация йўналишлари бўйича мутахассислар тайёрлашни кенгайтириш;

- инвестиция лойиҳалари ва дастурлари бўйича буюртмачилар, раҳбарлар ва менежерларни мақсадли тайёрлаш;

– қишлоқ хўжалигидаги инвестиция лойиҳалари бўйича шериклар топиш ва бизнес режаларни тўлдириш мақсадида етакчи маҳаллий ва хорижий корхоналарда хўжалик раҳбарларининг малакаларини ошириш.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда шуни таъкидлаш лозимки, мамлакатимиз иқтисодиёти қишлоқ хўжалиги тармоғининг жадал ва самарали ривожланишида ҳам ички, ҳам ташқи инвестициялар муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун мамлакатимизда хорижий инвестициялар учун яратилган инвестиция муҳити амалга оширилаётган иқтисодий сиёсатнинг ҳал қилувчи муҳим омилларидан бирига айланиб қолди. Инвестицияларсиз молиявий инқироз даврида иқтисодий қийинчиликларни тезда ҳал қилиш ҳамда инқироз оқибатларини бартараф этиш, иқтисодий ўсишга эришиш, ижтимоий самаранинг ўсишини ва макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш имкони мавжуд эмас.

1.3. Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда инвестиция ва инновацияларнинг ўрни


Мамлакатимизда аграр соҳа илмий-таъминот тизимини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Республика ҳукумати томонидан ушбу тизимни бозор иқтисодиёти талабларига мослаштириш мақсадида бир қатор ислохотлар амалга оширилди. Бундан кўзланган асосий мақсад, аграр соҳа илмий таъминоти мавқеини кўтариш, фан ютуқларини амалиётга кенг жорий этишдан иборатдир.

Жаҳондаги глобал ўзгаришлар ва аграр соҳа илмий таъминотининг янги йўналишлари юзага чиқаётган шароитда, рақобатбардошликни сақлаб қолиш, бозорни доимо ўзгариб бораётган талабларига жавобан фермер ва давлатдан доимий инновацияни жорий қилиб боришни талаб қилади.

Маълумки, фан техника соҳасидаги ўзгаришлар тезлик билан амалга ошиб бормоқда. Бозор шароитига мослашиб бораётган товар маҳсулоти етиштираётган фермер хўжаликларини қурғоқчилик ва ўсимликларни турли касалликларга чалинишига қарши туришларида ва уларнинг рақобатбардошлигини оширишда биологик тадқиқотлар ва ахборот технологиясидаги революцион ўзгаришларгина ёрдам бериши мумкин. Бу борада пазтачилик ва деҳқончиликни бошқа соҳаларда кенг миқёсда қўлланаётган биотехнологияни мисол қилиб кеотириш мумкин. Биотехнологияни кенг миқёсда қўлланиши биринчидан, касаллик ва ҳашаротларнинг ҳосилдорликни пасайиб юборишини олдини олса, иккинчидан, фермер даромадини ошишини таъминлайди, учинчидан, турли заҳарли кимёвий моддаларни ишлатиш миқдорини камайтиради. Аммо шуни таъкидлаш лозимки, кичик фермер хўжаликларида фан ва технология янгиликларини жорий қилишда бир қатор қийинчиликлар ҳам мавжуд. Чунки технологик инновация билан боғлиқ бўлган институционал ўзгаришларни тез суръатлар билан ҳаётга кириб боришини, инновациянинг турли манбааларини ўз ичига олган инновация жараёни комплекс равишда амалга оширишни тақозо қилмоқда.

Аграр соҳада илмий таъминоти тизимини инвестицион йўлга ўтказилиши ва инновацион жараёнларни жадаллаштириш соҳасининг барқарор ривожлантиришни таъминлаб фермерлар даромадини оширади.

Иқтисодиётни кўпроқ аграр соҳага боғлиқ бўлган мамлакатларда глобал ва миллий даражада бозордаги салбий ўзгаришлар аграр соҳадаги илмий-тадқиқот ишлари йўналтирилаётган инвестицияларни камайиши ва илмий тадқиқот натижаларини жорий қилишда катта қийинчиликлар туғдирмоқда. Бундай ҳолатда илмий тадқиқот натижаларига бўлган талабларига бозордаги рақобатбардошликни ва аҳоли даромадларини оширишга илмий-тадқиқот ишлари таъсирини таҳлил қилиш учун, давлат ва хусусий сектор томонидан илмий-тадқиқот ишларига инвестицияни кўпайтириш ва хусусий сектор фермерлар фуқоролик ташкилотлари бирлашиб инвестиция йўналиши кенгайтириш лозим. Бундай усулдаги инвестиция ва инвестиционал инновация бугунги жаҳон бозоридаги тез юз бераётган ўзгаришлар ресурслар тақчилликни ошиб бориши ва келажақда кутилаётган ноаниқлар шароитида муҳим аҳамиятга эга.




1.3.1-диаграмма. Худудлар кесимида қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулот (хизмат)ларининг ҳажми

2017 йилнинг январь-декабрь ойларида қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулот (хизмат)ларининг умумий ҳажми 69 504,2 млрд. сўмни ёки 2016 йилнинг мос даврига нисбатан 102,0 %, шу жумладан деҳқончилик ва чорвачилик, овчилик ва ушбу соҳаларда кўрсатилган хизматлар – 68 906,7 млрд. сўмни (101,9 %), ўрмон хўжалигида – 117,9 млрд. сўмни (101,6 %), балиқ хўжалигида – 479,6 млрд. сўмни (126,8 %) ташкил қилди⁷.

Хусусан юқори ўсиш суръатлари Сурхондарё (106,6 %), Навоий (104,1 %) вилоятларида, Қорақалпоғистон Республикасида (103,8 %) ва Фарғона (103,3 %) вилоятида кузатилди. Хоразм (100,1 %), Тошкент ва Қашқадарё (100,8 %) вилоятларида эса аксинча паст ўсиш суръатлар кузатилди.

Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулот (хизмат)лари умумий ҳажмида худудларнинг улуши




1.3.2-диаграмма. Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулот (хизмат)лари умумий ҳажмида худудларнинг улуши

⁷ Ўзбекистон Республикасининг статистик ахборотномаси. 2017 йил, январ-декабрь. Тошкент-2018

Республиканинг қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулот (хизмат)ларининг умумий ҳажмида Самарқанд вилоятининг улуши 13,1 % ташкил этди ва ҳудудлар бўйича етакчилик қилмоқда, Тошкент ва Андижон вилоятлари мос равишда 12,1 % ва 10,7 % кўрсаткич билан кейинги ўринларни эгаллади. Энг кам улуш Қорақалпоғистон Республикаси (2,8 %), Сирдарё (4,2 %) ва Жиззах (4,9 %) вилоятларида қайд этилди.

2017 йилнинг январь-декабрь ойларида ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий ҳажмининг ўсиши 2016 йилнинг мос даврига нисбатан 101,9 %, шу жумладан, деҳқончилик маҳсулотлари – 100,7 %, чорвачилик маҳсулотлари – 104,2 % ташкил қилди⁸.


Хўжаликлар тоифалари бўйича таҳлиллар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлар умумий ҳажмининг 63,6 % – деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига, 34,7 % – фермер хўжаликларига, 1,7 % – қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келишини кўрсатди.



1.3.1 расм. Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг хўжаликлар тоифалари бўйича тақсимланиши

Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг улуши хўжаликлар тоифалари бўйича тақсимланиши ҳудудлар кесимида таҳлил қилинганда, энг юқори кўрсаткичлар барча ҳудудларда деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига тўғри келиши кузатилди.

⁸ Ўзбекистон Республикасининг статистик ахборотномаси. 2017 йил, январ-декабрь. Тошкент-2018



1.3.2-диограмма. Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг хўжаликлар тоифалари бўйича тақсимланиши ҳудудлар кесимида

Аграр соҳа, биологик жараён билан боғлиқ бўлганлиги сабабли бу соҳадаги технологик инвестиция иқтисодиётни бошқа жабҳалардан тубдан фарқ қилади. Аграр соҳа олиб борилган илмий-тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ўсимликлар ва уй ҳайвонлари генетикасини яхшилаш технологиясини асосан, бу жараён амалга ошириладиган ҳудудгагина яхши натижа беради. Республика пахтачиликдаги кўп йиллар давомида кенг миқёсда тадқиқотлар олиб борилмоқда. Мамлакатда ғаллачилик дастури тузулиши ва ғалла майдонларини кенгайтирилишда ҳамда шу масалага эътибор бериш суғориладиган майдонларига эътибор бериш бўйича илмий-тадқиқотлар олиб бориш мақсадида ғаллачилик институти ва унинг фаюллари ташкил қилинади.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, республикада ўсимликлар чорва ҳайвонларини ҳудудлар шароитида мослаштиришига қаратилган катта салоҳият мавжуд ва бу салоҳият кейинги йилларда мустаҳкамланиб бормоқда. Албатта бу илмий-тадқиқот ишларини янада кенгрок миқёсда олиб бориш имкониятини беради.

Шу билан бир қаторда, бу салоҳиятдан тўлиқ фойдаланилмоқда, деб бўлмайди. Бизнинг фикримизда илмий салоҳиятдан тўғри оқилона бир вақтни ўзида муаммоларини ўзида ҳал қилиш имкониятини беради; ўсимликларнинг янги навларини янги технологияни, чорва молларини ҳар бир ҳудуд шароитида мослаштириш ва уларнинг маҳсулотдорлигини юқори бўлишини таъминлайди; ушбу илмий салоҳиятдан фойдаланиш вилоятларда илмий ечимлар ва янги технологияларни жорий қилишда катта рол ўйнаши мумкин.

Инвестиция сиёсати мамлакатнинг иқтисодий ривожланиши муҳим йўналишлардан бири ҳисобланиб, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида унга янгича ёндашув талаб қилинади.

Узоқ йиллар жавомида иқтисодий назарий ва амалиётда “инвестиция” ва “капитал қўйилмалар” тушунчалар бир хил мазмунда талқин қилиниб келинади. Аслида эса “инвестиция” тушунчаси “капитал қўйилмалар” тушунчасига нисбатан мазмун жиҳатдан кенгрокдир. Капитал қўйилмалар деганда, асосий фондларни янгилаш ва кенгайтиришга сарф этиладиган маблағлар тушунилади.

Ҳозирги кунга қадар “инвестиция” тушунчасининг моҳияти иқтисодчи олимлар томонидан турлича, яъни “тадбиркорлик фаюлиятига даромад олиш мақсадида сафарбар этилган барча турдаги бойлик” деб талқин қилинса, баъзилар эса инвестициянинг лотинча (инвест)

таржимасидан (солиш) келиб чиққан ҳолда, “капитал солиш” билан бир хил қилиб таърифлайдилар.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Инвестиция фаъолияти тўғрисида”ги қонунда “инвестиция иқтисодий ва бошқа фаъолият объектларига киритиладиган моддий ва номоддий неъматлар ҳамда уларга доир ҳуқуқлар”, деб таърифланган. Зеро, инвестиция-бу келажакда фойда ёки ижтимоий самара олиш учун инвестор томонидан қишлоқ хўжалиги тармоқларини ривожлантириш мақсадида маълум муддатга сарфланган барча турдаги моддий-техник ва интеллектуал бойликдир.

Бозор иқтисодиёти шароитида инвестор маълум муддатга моддий техник ва интеллектуал бойликларни сарфлаши натижасида келажакда фойда олиб, иқтисодиётнинг турли соҳаларини иқтисодий-молиявий ва маънавий ўсишини таъминлайди.

Қишлоқ хўжалигида инвестиция кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг асосий негизини ташкил этиб, инвестор инвестиция ресурсларини тармоқ соҳаларига даромад (фойда) олиш ёки ижтимоий самарага эришиш учун жойлаштиради. Бундай фаъолиятни илмий нуқтаи назардан олганда, инвестиция фаъолияти деб аташ мумкин.

Қишлоқ хўжалигида инвестицияга оид қарорлар қабул қилиш нафақат фаъолият кўрсатаётган корхоналар учун, балки ўз ишини болаётган фермерлар тадбиркорлар учун ҳам долзарбдир. Ҳар қандай корхона ёки тадбиркор у ёки бу даражада инвестиция фаъолияти билан бевосита боғлиқдир. Тадбиркорлик фаолиятида амалий жиҳатдан ҳар куни инвестицияга оид қарорлар қабул қилинади. Шунинг, учун тадбиркорлар ёки менежерлар инвестицияни жалб этиш қонун қоидаларини яхши билиши лозим. Таъкидлаш керакки, инвестицияни қишлоқ хўжалиги тармоқларини 3 гуруҳга, яъни ишлаб чиқариш (чорвачилик, дехончилик, хўжалик субъектлари қошидаги қайта ишлаш цехлари ва бошқалар), хизмат кўрсатиш (маиший хизмат кўрсатиш, МТП, ирригация тизимлари, СФУ, минерал ўғитлар ва нефт маҳсулотларини сотиш шаҳобчалари ва боқалар) ва ижтимоий соҳалар (кадрлар таёрлаш ва малакасини ошириш, табиий хизмат кўрсатиш шаҳобчалари, газ, ичимлик суви билан таъминлаш ва боқалар) ажратиб, инвестицияларни устивор даражада реал секторга йўналтириш, ундан кейин қолган соҳаларни риводлантириш ва хизмат кўрсатиш ҳамда ижтимоий соҳаларга жалб этиш мақсадга мувофиқдир.

Бугунги кунда аграр соҳада бир қанча муаммолар мавжудки, улар тармоққа инвестицион фаолликни оширишга тўсқинлик қилади, жумладан:

- Хўжаликларнинг машина-трактор ва транспорт воситалари билан таъминланиш даражасининг пастлиги;

- Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан бошқа соҳа маҳсулотлари ўртасидаги баҳоларнинг номуносивилиги;

- Амортизация фондидан фойдаланишнинг кескин қисқартириш;

- Қишлоқ хўжалиги техникаларидан фойдаланишнинг мавсумий характерга эгаллиги;

- Суғориладиган ерларнинг шўрланиш даражаси ошиб бориши натижасида, унумдорликнинг камайиб бориши;

- Қишлоқ хўжалигининг баъзи бир соҳаларида йил давомида харажатлар қилиб борилиши ва фақат йил охирида даромад олиниши;

- Маҳсулотларни етиштиришнинг табиий-иқлим шароитга боғлиқлиги;

- Суғурта тизимининг номувофиқлиги;

- Инвестиция лойиҳалари бўйича маълумотлар тарқалмаганлиги;

- Қимматли қоғозлар бозорининг ривожланмаганлиги;

- Бозор инфратузилмасининг шаклланмаганлиги ва бошқалар.

Бизнингча, қишлоқ хўжалигида инвестицияларни самарали жойлаштириш қуйидаги муаммоларнинг ҳал этилишига хизмат қилади;

- Қишлоқларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган кичик корхоналар қурулиши ва янги иш ўринлари ташкил этилиши дехқончилик маданиятини оширади;

- Қишлоқ хўжалигига инвестицияларни жалб этиш орқали замонавий техника ва технологиялар парки кўпайиб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш имконияти янада кенгайди;

- Хорижий инвестицияларни жалб этиш ҳисобига қурилган корхоналарда импорт ўрнини қопловчи ва экспортга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун имконият яратилади;

- Солиқ тўловчиларнинг сони кўпайиб, маҳаллий ва республика бюджетининг даромади ошади;

-Қишлоқ жойларда янги корхоналар ташкил этилиши натижасида инфратузилманинг қўшимча шаҳобчалари пайдо бўлишига туртки бўлади;

-Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилиш натижасида валюта захиралари кўпаяди.

Ушбу омиллар мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш учун соҳада инвестицион фаолиятини кучайтириш заруриятини келтириб чиқаради. Бу эса қишлоқ аҳолисининг турмуш даражаси ва фаровонлигини янада ошишига хизмат қилади.

2-Боб. УЙЧИ ТУМАНИ ИҚТИСОДИЁТИ ТАРМОҚЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ТАРКИБИЙ ЎЗГАРИШЛАР ТАХЛИЛИ

2.1. Уйчи тумани иқтисодиёти тармоқларида олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар таҳлили

Республикаимиз Президенти Ш.М.Мтрзиев ташаббуслари билан ишлаб чиқилган “2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”⁹ асосида, чуқур ва ҳар томонлама ўйланган мамлакатни ислох қилиш ва модернизациялашнинг тадрижий дастури изчил амалга оширилганлиги натижасида 2017 йилда Республикаимизда бўлгани каби, Уйчи тумани иқтисодиёти соҳаларида ҳам барқарор ўсиш суръатлари кузатилди.

Иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмаларини яхшилаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар натижасида 2017 йил якуни билан саноат ишлаб чиқариш ҳажми 102,3 фоизга, қишлоқ хўжалиги 100,6 фоиз, қурилиш пудрат ишлари 108,6 фоиз, чакана савдо айланмаси 105,0 фоиз ва жами хизматлар ҳажми 101,6 фоизга ўсиб, иқтисодий мутаносибликка эришилди.(2.1.1-жадвал)

2.1.1-жадвал

Асосий ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлар

Кўрсаткич номи	Ўлчов бирлиги	Ҳажми		Ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати, %	
		2016 й.	2017 й.	2016 й.	2017 й.
Саноат маҳсулотлари	млрд. сўм	239,4	312,0	123,6	102,3
Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш	млрд. сўм	103,5	120,1	118,7	102,3
Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари	млрд. сўм	292,7	354,7	104,3	100,6
Қурилиш-пудрат ишлари	млрд. сўм	104,5	154,2	105,3	108,2
Чакана товар айланмаси	млрд. сўм	218,8	285,3	114,8	105,0
Жами хизматлар ҳажми	млрд. сўм	164,6	244,4	114,2	101,6
Экспорт	минг АҚШ долл.	14990,7	16739,6	141,7	112,4
Импорт	минг АҚШ долл.	12505,3	12140,7	93,8	100,2
Қўшма корхоналар сони	бирлик	7		х	

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида туманнинг ташқи савдо айланмаси 2017 йилда 28,88 млн.долларни ташкил этиб, шундан, 16,74 млн.долларлик маҳсулотларни экспортга чиқарилди ёки 2016 йилга нисбатан 112,4 фоизга кўпайган

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга уларга ҳар томонлама берилаётган эътибор, соҳани ривожлантириш бўйича Ҳукумат томонидан қабул қилинган бир қатор фармон ва қарорлар ижросини таъминлаш бўйича Уйчи туманида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Кичик бизнес субъектларининг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улушлари саноат тармоқларида 81,8 фоиз, қурилишда 98,4 фоиз, пуллик хизматда 84,6 фоиз, савдода 99,7 фоиз, асосий капиталга инвестиция киритишда 53,8 фоиз, қишлоқ хўжалигида эса 98,7 фоиз, экспортдаги улуши 90,0 фоиз, импортдаги улуши 51 фоизни ташкил этди.

⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғриси”да. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда

2017 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан 4,1 млрд.сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 108,6 фоизга ўсишига эришилди.

2017 йилнинг январ-декабрь ойлари якуни билан тумандаги кичик бизнес субъектлари томонидан қарийиб 15065,6 минг. АҚШ доллар миқдоридаги товар ва хизматлар экспортга чиқарилиб, ўсиш суръати 2017 йилнинг шу даврига нисбатан 103,6 фоизга кўпайишга эришилди.

2.1.2-жадвал

Ўртача аҳоли жон бошига кўрсаткичлар, минг сўм

№	Шахар ва туманлар номи	Ўртача аҳоли жон бошига кўрсаткичлар, минг сўм								Ўртача бир ойлик иш ҳақи, минг сўм	
		ЯХМ	Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш	Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш	Чакана савдо айланмаси	Жами хизматлар	Қурилиш	2016 й.	2017 й.	
Вилоят бўйича		3943,8	1458,2	1014,9	1823,6	2371,8	1895,9	580,4	1328,9	1533,2	
1	Наманган ш.	х	3068,6	2385,0	500,5	4074,7	4012,0	538,6	1181,2	1885,7	
2	Мингбулоқ	х	662,4	265,9	2155,4	1353,8	1554,7	389,7	914,5	1240,0	
3	Косонсой	х	685,0	562,4	1213,1	2236,3	1311,4	701,4	986,5	1402,7	
4	Наманган	х	2141,2	1678,4	2714,9	1565,8	1472,2	970,5	986,0	1486,0	
5	Норин	х	745,8	426,9	1763,2	2495,1	1294,2	467,9	992,5	1356,9	
6	Поп	х	926,3	489,2	1579,5	1743,4	1331,0	541,6	860,5	1301,6	
7	Тўрақўрғон	х	1103,3	799,5	1762,7	2049,0	1293,4	576,7	977,3	1567,6	
8	Уйчи	х	1548,3	596,1	1760,5	1415,7	1212,9	765,1	877,2	1234,8	
9	Учқўрғон	х	1933,9	869,7	2299,3	1972,4	1402,5	482,6	984,8	1403,8	
10	Чортоқ	х	395,0	339,9	2305,0	1306,7	1198,2	395,2	903,6	1196,2	
11	Чуст	х	687,9	491,1	1962,5	2259,3	1061,3	419,0	826,5	1231,8	
12	Янгиқўрғон	х	362,7	378,4	4719,2	2088,7	1277,7	768,1	959,9	1318,1	

Туманда 2017 йил 1 январь ҳолатига янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурига асосан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига 1068 та иш ўринлари яратилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан эса 47 тага кўпдир. Яратилган янги ишчи ўринларининг 66 таси мавжуд корхоналарни кенгайтиришва қувватларини янгилаш, 367 таси микрофирма ва кичик корхоналар ташкил этиш, 100 таси якка тартибдаги тадбиркорликни ривожлантириш, 462 таси уй меҳнатини шакилларини ташкил этиш, 388 таси хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси ҳисобига, 27 таси ижтимоий ва бозор инфратузилмасини ривожлантириш ҳисобига 46 таси бошқа йўналишлар ҳисобига ташкил этилди.

Кичик бизнес субъектларига қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида туманда 19 та тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатувчи инфратузилма ташкилотлари фаолият юритмоқда.

Жумладан, Туманда фаолият кўрсатаётган 3 та тижорат банклари ҳамда 2 та минибанклар, 1 та ахборот-маслаҳат ва консалтинг маркази, 3 та суғурта компаниялари вакиллиги, 8 та ўқитиш марказлари, 1 та товар ҳом ашё биржасининг савдо майдончалари ва 1 та брокерлик хизмат кўрсатиб келмоқда.

Туманда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ҳамда туманнинг иқтисодий салоҳиятини ошириш мақсадида 2017 йил давомида асосий капиталга тижорат банклари томонидан 89196,3 млн. сўм инвестициялар йўналтирилди

Наманган вилоятида 2015-2017 йилларда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш кўрсаткичлари

№	Шаҳар ва туманлар номи	2015 йил		2016 йил		2017 йил январ-декабр		2018 йил январ-март		2017 йилда 2016 йилга нисбатан, %
		млрд. сўм	ўсиш, %	млрд. сўм	ўсиш, %	млрд. сўм	ўсиш, %	млрд. сўм	ўсиш, %	
1	Наманган ш.	1 230,7	118,2	1 619,1	112,6	1 825,5	104,7	430,2	107,1	148,3
2	Мингбулок	73,2	108,3	86,4	110,7	79,2	89,2	43,0	141,9	108,2
3	Косонсой	87,8	115,1	115,5	119,7	135,5	100,6	21,8	101,5	154,3
4	Наманган	169,7	121,6	290,8	119,5	362,1	116,8	90,6	105,2	213,4
5	Норин	78,0	106,6	98,4	116,3	116,4	98,6	35,2	100,1	149,2
6	Поп	128,9	100,5	155,3	109,4	194,2	107,8	64,3	130,1	150,6
7	Тўрақўрғон	138,8	115,4	218,9	122,9	236,2	121,3	74,5	104,5	170,2
8	Уйчи	175,3	111,2	239,4	123,6	312,0	111,5	84,2	97,8	178,0
9	Учқўрғон	213,2	109,7	259,8	110,5	316,8	118,5	85,2	87,4	148,6
10	Чортоқ	61,0	106,2	87,3	131,1	74,7	100,1	15,8	98,6	122,5
11	Чуст	108,6	104,9	121,2	115,2	174,0	103,9	35,7	112,7	160,3
12	Янгиқўрғон	100,9	111,3	119,1	105,9	75,1	97,2	26,3	101,1	74,5
Вилоят бўйича жами		2 685,2	114,0	3 411,3	114,8	3 901,7	107,3	1 006,8	105,6	145,3

2.1.4 жадвал

Наманган вилоятида 2015-2017 йилларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш кўрсаткичлари

№	Кўрсаткичлар	ўлчов бирлиги	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2017 йил 2016 йилга нисбатан, %
I	Деҳқончилик	млн.сўм	2 048 362,6	2 150 780,7	1 781 419,6	95,5
1	Пахта	минг тонна	230 376,0	175 393,0	189 717,0	108,2
2	Дон	минг тонна	483 496,0	571 984,0	549 004,0	96,0
3	Картошка	минг тонна	241 131,0	263 241,0	261 350,0	99,3
4	Сабзавот	минг тонна	654 575,0	721 732,0	741 541,0	102,7
5	Полиз	минг тонна	70 678,0	77 094,0	69 839,0	90,6
6	Мева	минг тонна	224 137,0	247 171,0	249 565,0	101,0
7	Узум	минг тонна	115 236,0	126 933,0	119 863,0	94,4
II	Чорвачилик	млн.сўм	1 155 304,9	1 417 416,6	1 496 069,7	106,3
1	Гўшт (тирик вазн)	минг тонна	114 752,0	125 003,0	132 201,0	105,8
2	Сут	минг тонна	580 996,0	637 386,0	686 807,1	107,8
3	Тухум	минг дона	358 177,0	423 263,0	465 842,0	110,1
4	Жун	тонна	1 580,0	1 702,0	1 796,0	105,5
5	Пилла	тонна	2 811,7	2 827,2	601,8	21,3
6	Асал	тонна	783,0	902,0	934,9	103,6
III	Овчилик	млн.сўм				
IV	Ўрмончилик	млн.сўм				
V	Балиқчилик	тонна	2 733,0	3 556,0	65 402,1	138,1
VI	Қишлоқ хўжалигида кўрсатилган хизматлар	млн.сўм				
VII	Ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулоти	млн.сўм	3 203 667,5	3 568 197,3	4 879 331,2	101,1

2.1.4 жадвал

2017 йилда айрим қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш

Шахар ва туманлар номи	Қайта ишланган						Қайта ишланган						Қайта ишланган		
	Гўшт			Сут			Сабзавотлар			Мевалар			Узум		
	минг тонна	қайта иш лаш %	ш.ж. уй хўжа ли гида	минг тонна	қайта иш лаш, %	ш.ж. уй хўжа ли гида	минг тонна	қайта иш лаш, %	ш.ж. уй хўжали гида	минг тонна	қайта иш лаш, %	ш.ж. уй хўжали- гида	минг тонна	қайта иш лаш, %	ш.ж. уй хўжа ли- гида
Вилоят бўйича	12,0	8,9		157,2	22,8		126,0	16,3	29,0	77,8	29,5	17,9	51,9	38,6	
Наманган ш.	5,2	16,7		67,3	103,0		17,6	71,4	4,1	1,7	44,0	0,4	1,2	36,5	
Мингбулоқ	0,6	8,7		5,4	13,2		2,2	10,6	0,5	1,3	19,2	0,3	0,2	12,2	
Косонсой	0,7	10,0		15,5	31,3		7,0	18,7	1,6	4,3	34,3	1,0	1,5	26,8	
Наманган	0,7	6,3		10,3	18,3		17,0	13,9	3,9	6,0	25,8	1,4	5,7	47,2	
Норин	0,6	7,0		6,8	11,7		3,1	6,8	0,7	1,7	20,4	0,4	0,5	22,9	
Поп	0,6	6,7		6,6	13,2		2,8	7,5	0,6	2,4	12,5	0,6	0,6	22,0	
Тўрақўрғон	0,6	6,8		7,2	12,6		10,2	18,9	2,4	4,2	23,1	1,0	8,3	45,6	
Уйчи	0,5	7,1		5,3	14,2		9,4	12,0	2,2	3,1	18,5	0,7	2,3	21,0	
Учқўрғон	0,8	7,6		6,6	11,2		7,0	8,6	1,6	1,7	13,1	0,4	0,6	14,2	
Чортоқ	0,7	7,3		10,6	19,4		11,6	14,3	2,7	12,1	34,5	2,8	6,7	42,0	
Чуст	0,6	6,0		9,2	11,1		11,2	17,5	2,6	17,8	47,2	4,1	5,4	49,4	
Янгиқўрғон	0,8	5,1		9,1	11,5		27,1	21,4	6,2	21,4	31,0	4,9	18,8	40,3	

2.1.5 жадвал

Наманган вилояти туманларида ГАЛЛА ва ПАХТА етиштирувчи фермер хўжаликлари тўғрисида

Туманлар номи	Галла бўйича					Пахта бўйича				
	сони	Майдони гектар	тонна	Жамгармадан келган ресурс, млн.сумда	Узлашти- рилди, млн. сумда	сони	Майдони гектар	тонна	Жамгармадан келган ресурс, млн.сумда	Узлашти- рилди, млн. сумда
Вилоят жами	3417	76500	212640	78227	78204	3337	76900	214400	209027	166979
Мингбулоқ	430	8965	21940	7614	7613	521	15906	35857	34961	27749
Косонсой	335	8170	20330	6810	6810	327	4984	12524	12211	9458
Наманган	234	5270	17060	6338	6338	235	6050	20208	19703	16525
Норин	242	4490	14570	5441	5442	282	6575	21470	20934	19535
Поп	524	10370	26035	9449	9449	546	13402	31116	30338	23082
Тўрақўрғон	224	5180	15940	6280	6257	214	5008	16708	16290	14431
Уйчи	252	6345	20485	7755	7755	257	6939	22926	22352	18700
Учқўрғон	377	6790	23395	9079	9079	404	9836	32758	31939	20893
Чортоқ	179	4460	11485	4292	4292	129	1750	5055	4929	3598
Чуст	422	10450	25150	9280	9280	422	6450	15778	15370	13009
Янгиқўрғон	198	6010	16250	5888	5888	0	0	0	0	0

2.2. Қишлоқ хўжалиги тармоқларини модернизациялаш ва инвестициялар жалб қилиш ҳолати

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 23 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилга Инвестиция дастури” тўғрисидаги ПҚ-2697-сонли қарори доирасида Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан шакллантирилиб, 20586,429 млн.сўм капитал маблағ (лимити) режалаштирилган. Шундан, 20594,972 млн.сўмини қурилиш-монтаж ишлари ташкил этади. Манзилий рўйхатга жами 9 та қурилиш объектлари киритилган бўлиб, уларнинг 4 таси йилдан-йилга ўтган, 5 таси янги бошланадиган объектлардир. Манзилий рўйхатга мувофиқ Наманган вилоятида 2017 йилда жами 23,522 км узунликдаги каналларни қайта қуриб битказиш, 1,8 м³/сек сув чиқариш қобилиятига эга бўлган насос станциясини ҳамда 0,375 км узунликдаги босимли трубопроводни қайта қуриб битказиш, шунингдек 2 дона гидротехник иншоотни қайта қуриб битказиб фойдаланишга топшириш режалаштирилган.

2017 йилнинг 31 декабр ҳолатига график режаси 21267,933 млн.сўм бўлиб, амалда 21267,759 млн.сўмга ёки график режага нисбат 100,0 фоизга бажарилган.

2017 йилда 4 та лойиха бўйича жами шартнома суммаси 4 млрд. 203 млн.сўмлик, яъни 1,4 км узунликда янги коллектор қуриш, 1,4 км узунликдаги коллекторини реконструкция қилиш, 1 дона мелиоратив насос станциясини ҳамда 8 дона мелиоратив қудукларни реконструкция қилиш ишлари режалаштирилган. Ушбу ишларни амалга оширилиши натижасида 5738 гектар майдонларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланиб, ер ости сизот сувлари сатхи бир меъёрга ушлаб туришга эришилди.

2017 йилнинг 31 декабр ҳолатига график режаси 4203,7 млн.сўм бўлиб, амалда 4203,7 млн.сўмга ёки график режага нисбат 100,0 фоизга бажарилди.

2017 йилда 20902 гектар суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида 17 дона лойихалардаги 839,5 км узунликдаги коллекторларни таъмирлаш-тиклаш ишлари режалаштирилган бўлиб, шундан 1 донаси йилдан-йилга ўтувчи 16 донаси янгидан бошланувчи объектлардир. Шунингдек, 62 дона мелиоратив тик қудукларини, 83 дона қувурли ўтиш жойларини, 10 дона сув ўлчаш иншоотларини, 108 дона қузатув қудукларини таъмирлаш-тиклаш режалаштирилган. Ушбу ишларга 2017 йил учун жами 8000,000 млн.сўм маблағ ажратилди.

2017 йилнинг 31 декабр ҳолатига 838,6 км узунликдаги 8385,6 млн.сўмлик ишлар режалаштирилиб, амалда 895,8 км узунликда (107,0 фоизга) 8385,6 млн.сўмлик (100,0 фоизга) таъмирлаш ва тиклаш ишлари бажарилди.

Вилоят туманларида 2017 йилда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг эксплуатация маблағлари ҳисобидан 515,9 км узунликда хўжаликлараро суғориш тармоқларини тозалаш режалаштирилган бўлиб, амалда 515,9 км (100,0 фоиз) га, улардаги гидротехник иншоотларни таъмирлаш режаси 407 дона белгиланган бўлиб, амалда 407 дона (100,0 фоиз), гидростларни таъмирлаш режаси 407 дона белгиланган бўлиб, амалда 407 дона таъмирланди ёки 100,0 фоизга бажарилди.

Шунингдек, хўжалик ички суғориш тармоқларини механик тозалаш ишлари режаси 1190,2 км бўлиб, амалда 1190,2 км (100,0 фоиз)га, хўжалик ички суғориш тармоқларини қўл кучи ёрдамида тозалаш ишлари режаси 3978,9 км бўлиб, амалда 3978,9 км (100,0 фоиз) га бажарилди. Хўжалик ички суғориш тармоқларидаги гидротехник иншоотларни таъмирлаш режаси 734 дона бўлиб, амалда 734 дона (100,0 фоиз) га, хўжалик ички суғориш тармоқларидаги гидростларни таъмирлаш ишлари режаси 874 дона бўлиб, амалда 874 дона (100,0 фоиз) га бажарилди. СИУ ва фермер хўжаликлари ҳисобидаги сув олиш қулоқларини таъмирлаш ишлари режаси 3335 дона бўлиб, амалда 3335 дона (100,0 фоиз) бажарилди.

2.2.1 жадвал

Наманган вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури доирасида 2017 йилда амалга оширилган инвестиция лойиҳалари тўғрисида маълумот

№	Шаҳар ва туманлар номи	Ҳақиқатда 2017 йилда амалга оширилган			шу жумладан								
					саноатда			хизмат кўрсатишда			қишлоқ хўжалиги		
		Лойиҳа сони	Инвестиция ҳажми (млн. сўм)	Иш ўрни	Лойиҳа сони	Инвестиция ҳажми (млн. сўм)	Иш ўрни	Лойиҳа сони	Инвестиция ҳажми (млн. сўм)	Иш ўрни	Лойиҳа сони	Инвестиция ҳажми (млн. сўм)	Иш ўрни
1	Наманган ш.	119	293 849	3 781	74	230 796	3 209	41	55 013	497	4	8 040	75
2	Мингбулоқ	92	57 232	1 035	24	34 981	593	34	10 545	181	34	11 706	261
3	Косонсой	77	23 670	549	15	16 605	258	43	4 620	191	19	2 445	100
4	Наманган	95	104 389	1 168	22	65 268	597	43	7 560	379	30	31 561	192
5	Норин	81	15 375	460	16	3 060	170	41	7 358	187	24	4 957	103
6	Поп	113	131 135	1 379	19	117 120	912	66	8 660	365	28	5 355	102
7	Тўрақўрғон	122	73 489	1 822	27	40 455	1 082	59	15 442	358	36	17 592	382
8	Уйчи	97	42 370	1 165	27	28 149	663	48	8 278	417	22	5 943	85
9	Учкўрғон	52	296 033	1 822	21	282 707	1 504	20	5 516	200	11	7 810	118
10	Чортоқ	138	41 743	1 188	32	15 436	562	72	19 568	437	34	6 739	189
11	Чуст	93	21 037	831	29	7 790	440	51	11 286	338	13	1 961	53
12	Янгикўрғон	91	55 920	1 143	20	31 590	388	49	13 220	316	22	11 110	439
Вилоят бўйича		1 170	1 156 242	16 343	326	873 957	10 378	567	167 066	3 866	277	115 219	2 099

2.2.2 жадвал

Наманган вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури доирасида 2018 йилда амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари тўғрисида маълумот

№	Шаҳар ва туманлар номи	Жами			шу жумладан								
		Лойиҳа сони	Инвестиция ҳажми (млн. сўм)	Иш ўрни	саноатда			хизмат кўрсатишда			қишлоқ хўжалиги		
					Лойиҳа сони	Инвестиция ҳажми (млн. сўм)	Иш ўрни	Лойиҳа сони	Инвестиция ҳажми (млн. сўм)	Иш ўрни	Лойиҳа сони	Инвестиция ҳажми (млн. сўм)	Иш ўрни
1	Наманган ш.	96	498 944	4 259	60	394608	3519	29	96796	682	7	7540	58
2	Мингбулоқ	86	226 490	1 172	33	162160	740	32	19380	228	21	44950	204
3	Косонсой	66	32 875	443	10	4250	86	31	10910	235	25	17715	122
4	Наманган	53	113 631	920	13	70422	618	23	15340	169	17	27869	133
5	Норин	42	26 645	291	6	8200	80	20	6820	129	16	11625	82
6	Поп	90	138 222	717	13	25200	252	59	27990	202	18	85032	263
7	Тўрақўрғон	50	725 201	589	11	694191	399	19	5380	65	20	25630	125
8	Уйчи	43	57 120	500	13	47200	305	26	8320	166	4	1600	29
9	Учқўрғон	31	31 710	245	4	6860	70	15	2890	77	12	21960	98
10	Чортоқ	33	35 800	386	4	10650	153	15	8980	132	14	16170	101
11	Чуст	55	103 685	626	13	67500	330	26	22705	192	16	13480	104
12	Янгиқўрғон	70	125 360	626	14	82160	341	41	8240	138	15	34960	147
Вилоят бўйича		715	2 115 683	10 774	194	1 573 401	6 893	336	233 751	2 415	185	308 531	1 466

Тошқин сувлари ва сел оқимларини талофатсиз ўтказиш, қор кўчишлари ва кўчки ходисалари хавфини камайитириш мақсадида сув хўжалиги объектларида эксплуатация маблағлари ҳисобидан тошқин сувлари ва сел оқимларини сув оқимлари бўйлаб барқарор ва хавфсиз ўтказиб юборишни таъминлаш тадбирлари белгиланган бўлиб, 2017 йилда 9 та лойиҳалар учун жами 647,0 млн.сўм маблағ режалаштирилиб, 2017 йилда барча лойиҳаларда қурилиш ишлари тўла якунланди.

Норин-Сирдарё ИТХБ қошидаги НС ва ЭБ тасарруфида 205 дона давлат насос станцияларида 656 дона насос агрегатлари ўрнатилган, шунингдек 810 дона суғориш қудуқлари, 289 дона мелиоратив қудуқлари, 439,8 км электр узатиш тармоқлари, 36 дона подстанциялар, 7,6 км алоқа тармоғи ва бошқа энергетика, гидротехника қурилмалари мавжуд бўлиб, давлат насос станцияларига боғланган жами майдон 83176 гектарни ташкил қилади. Шундан, пахта 17540 гектар, ғалла 19016 гектар, бошқа экинлар 46619,5 гектар бўлиб, 2685 кишидан иборат бўлган ишчи ходимлар билан эксплуатация қилиниб келинмоқда.

2017 йил таъмирлаш дастурига асосан давлат насос агрегатларини учун таъмирлаш режаси 425 дона, амалда 425 дона (2932.5 млн сўм маблағ), ички хўжалик насос агрегатлари режаси 165 дона, амалда 165 дона (412,5 млн сўм маблағ), суғориш қудуқлари режаси 297 дона, амалда 297 дона (653,4 млн сўм маблағ), мелиоратив қудуқлар режаси 55 дона, амалда 55 дона (121,0 млн сўм маблағ) сарфланиб таъмирланди.

2017 йилда кўп тармоқли фермер хўжаликларини ташкил этиш ва улар фаолиятини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Дастурга мувофиқ вилоятда 1343 та фермер хўжаликлари томонидан 1512 та лойиҳа белгиланиб, жорий йилнинг 14 декабрь ҳолатига 1343 та фермер хўжаликларида амалга оширилди ва 116 млрд 328 млн сўм маблағлар 91.9 фоизга (шундан банк кредити 57 млрд 056 млн сўм 87.3 фоизга, ўз маблағи 59 млрд 272 млн.сўм 96.9 фоизга) бунинг ҳисобига 7212 та янги иш ўринлари яратилди. Дастлабки йиллик режага нисбатан 100 фоизга бажарилди.

Жумладан, 19 та мева сабзавотни қайта ишлашни ташкил этувчи фермер хўжаликларидан 19 тасида 3860 тонналик Мева-сабзавотни қайта ишлаш ташкил этилган бўлиб, режага нисбатан 100 фоизга бажарилган

Вилоят Давлат ветеринария хизмати тизимида зооантропоноз касалликларни келиб чиқишини олдини олиш мақсадида 2015 йил 7 январда вилоят ҳокими томонидан тасдиқланган “Вилоятда зооантропоноз ўта хавфли юқумли касалликларга қарши кураш бўйича 2015-2018 йилларга мўнжалланган чора тадбирлар” режаси асосида иш ташкил этилди.

Вилоятда эпизоотик барқарорликни таъминлаш, хайвонлар ўртасида юқумли касалликларни олдини олиш мақсадида Бруцеллёз касаллигига қорамоллардан 223769 бошидан, майда шохли моллардан 23997 бошидан, отлардан 241 бошидан қон наъмуналари олиниб, вилоят ва туман Давлат ветеринария лабораторияларида текширилди. Текшириш натижаларига кўра хайвонларда бруцеллёз касаллиги аниқланмади.

Юқумли касалликлар тўғрисида аҳоли ўртасида 521002 та суҳбатлар, 612 та маърузалар ўтказилиб, 3 марта телевиденияда, 22 маротаба матбуотда чиқишлар ташкил этилди, 70040 та юқумли касалликлар ва уларни олдини олиш чоралари тўғрисидаги варакалар тарқатилди.

Вилоятда жорий йилни шу кунига қадар куйдирги касаллигига қарши 528813 бош қорамол, 565147 бош майда шохли мол, 5984 бош от, 8421 бош эшак, 158 бош туя, Яшур касаллигига қарши 273301 бош қорамол, 111632 бош майда шохли мол, Қорасон касаллигига 156153 бош қорамол, Лептоспироз касаллигига 22862 бош қорамол, Чечак касаллигига 69873 бош майда шохли мол, Паррандаларни Чума касаллигига қарши 1477810 бош профилактик эмлаш тадбирлари ва бошқа ветеринария-санитария тадбирлари амалга оширилди.

2017 йил янги техника сотиб олиш дастурига асосан вилоятга 526 дона қиймати 40 млрд. сўмлик турли русумдаги кишлок хўжалик техникаларини лизинг асосида келтирилиши режалаштирилиб, ҳақиқатда йил якунига қадар вилоятга жами 376 дона 36 млрд. 434 млн. сўмлик техникалар лизинг асосида олиб келинди.

Вилоятдаги кишлок хўжалиги қорхоналари ва фермер хўжаликлари билан 2017 йил декабр ойида 2018 йилда янги сотиб олинadиган 577 дона қиймати 181 млрд. 362 млн. сўмлик кишлок хўжалиги техникаларини лизинг асосида етказиб бериш бўйича шартномалар тузиб имзоланди. Ҳозирда 2018 йилда олинadиган техникаларга шартномалар тузиш ишлари, ҳамда янги техникаларга аванс маблағларини шакллантириш ишлари олиб борилмоқда.

Бугунги кунда “Наманган озуқа ем таъминоти” МЧЖ тизимида 168 та ем сотиш шаҳобчалари томонидан аҳоли ва қорвачилик йўналишидаги фермер хўжаликлари тасарруфидаги

641103 бош шартли чорва моллари учун омухта ем, шрот ва шелуха махсулотлари белгиланган тартиб асосида етказиб бериб келмоқда.

2017 йил давомида жамият томонидан олинган кредит ҳамда айланма маблағлар ҳисобидан биржа савдолари орқали 26950 тонна шрот, 17955 тонна шелуха ва 1110 тн омухта ем ахсулотлари ютиб олинди.

2017 йилда жамият томонидан ёғ-мой ва дон қорхоналаридан 27936 тонна шрот, 18199 тонна шелуха ва 8504 тонна омухта ем олиниб ҳудудий ем сотиш шаҳобчаларига етказиб берилди.

2017 йилда ем сотиш шаҳобчалари орқали истеъмолчиларга 29263 тонна шрот, 18834 тонна шелуха ва 8272 тонна омухта ем, жами 51 млрд 675 млн.сўмлик махсулотлар сотилди. Шундан 43 млрд 322 млн.сўми аҳоли, 7 млрд 927 млн.сўм чорвачилик фермер хўжаликларига етказиб берилди. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 5 августдаги 218-сонли қарорига асосан давлатга пахта сотиш шартномавий режасини ортиғи билан бажарган фермер хўжаликларига имтиёзли равишда 304 тонна шрот, 186 тонна шелуха махсулотлари етказиб берилди.

2.3. Уйчи туманида қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини янада тараққий эттиришда асосий эътибор аграр соҳада ислохотларни чуқурлаштириш, ишлаб чиқариш ва бошқариш жараёнларида бозор тамойилларини тўла қарор топтириш асосида қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини кескин оширишга қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган аграр тармоқни ривожлантиришнинг истиқболли дастури қуйидаги энг муҳим йўналишларни ўз ичига олади:

1. Аграр соҳада иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, мулкый муносабатлар ва хўжалик юритиш шаклларини такомиллаштириш борасида барча субъектлар ўртасидаги ўзаро иқтисодий муносабатларни бозор тамойиллари асосида амалга ошириш, шартномавий мажбуриятларнинг бажарилишида томонлар масъулиятини ошириш.

2. Қишлоқ хўжалигида ердан фойдаланиш механизмини такомиллаштириш ва самарали фойдаланишни рағбатлантириш йўналиши бўйича тупроқ унумдорлигини яхшилаш ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш борасидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида барча ҳудудларда қишлоқ хўжалиги ерлари унумдорлигини ошириш, унумдорлиги паст ер майдонлари салмоғини камайтириш.

3. Сув хўжалиги тизимини такомиллаштириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш мақсадида сув хўжалиги тизимида моддий ва маънавий эскирган ирригация-мелиорация тизимини янгилаш, унинг самарадорлигини ошириш, янги суғориш технологиялари ва сувдан фойдаланиш механизмларини жорий этиш, ер майдонлари мелиоратив ҳолатини яхшилаш, дренаж тармоқларини қуриш ва таъмирлаш тадбирларини амалга ошириш.

4. Қишлоқ хўжалиги экинлари навларини вилоятлар ва туманларнинг табиий-иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда жойлаштириш, махсулотлар сифати ва экинлар ҳосилдорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратиш.

Қишлоқ хўжалиги экинларининг юқори ҳосилли, тезпишар, касаллик ва зарарқундаларга чидамли, янги ва истиқболли, махсулот сифати бозор талабларига жавоб берадиган навларни жойлаштириш.

5. Чорвачилик тармоғини комплекс ривожлантириш, асосан чорва молларининг наслини яхшилаш ҳисобидан унинг махсулдорлигини ошириш. Бунинг учун:

чорвачилик тармоғининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш;

наслчиликни тубдан яхшилаш;

тармоқда сервис, жумладан, зооветеринария хизматлари кўрсатиш сифати ва ассортименти ошириш;

паррандачилик, балиқчилик, асаларичилик ва пиллачилик соҳаларини ривожлантириш;

чорва молларида учрайдиган юқумли касалликларга қарши кураш тизимини янада такомиллаштириш;

озуқа экинларини жойлаштиришнинг мақбул даражасига эришиш, бунда лалми ерлардан чорва озукаси етиштириш учун фойдаланишни кенгайтириш.

6. Ўрмон хўжалигини комплекс ривожлантириш борасида табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва атроф муҳит муҳофазаси нуқтаи назаридан:

қўриқланадиган ҳудудлар давлат кадастрини жорий этиш;

ўрмон хўжалигида мевали, манзарали дарахт кўчатларини етиштиришни янада ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш;

худудларнинг экологик ҳолати географик-ахборот тизимини ишлаб чиқиш.

7. Қишлоқ хўжалиги хомашёсини қайта ишлаш тармоғини ривожлантириш, аграр соҳанинг экспорт салоҳиятини ошириш.

Қишлоқ хўжалиги, хусусан, чорва ва мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлашга ихтисослашган кичик хусусий корхоналарни замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозлаш, хомашёни қайта ишлаш қувватларини ишга тушириш, мавжуд корхоналарни модернизация қилиш, ҳўл мева-сабзавот ва тайёр маҳсулот экспорт қиладиган субъектлар учун имтиёзлар тизимини ишлаб чиқиш.

8. Қишлоқ жойларда сервис хизматлари кўрсатиш тизимини такомиллаштириш, аграр тармоқда сервис хизматлари кўрсатиш соҳасини ривожлантириш, бозорга тез мослашувчи субъектлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш.

9. Қишлоқ хўжалигида молия-кредит, солиқ ва суғурта тизимини такомиллаштириш:

давлат эҳтиёжлари учун пахта хомашёси ва ғалла етиштиришни асосан имтиёзли кредитлаш орқали молиялаштириб бориш тизимини такомиллаштириш;

пахта ва ғалладан бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларни кредитлаш механизмини такомиллаштириш;

қишлоқ хўжалиги учун техника, эҳтиёт қисмлар, насли чорва моллари, уруғлик ва кўчатлар, замонавий технология ва ускуналар, дори-дармон, кимёвий препаратлар импорт қилишда солиқ ва божхона имтиёзлари тизимини янада кенгайтириш;

қишлоқ жойларга кичик саноатни жалб қилишда солиқ имтиёзлари ва молиявий қўллаб-қувватлаш тадбирларини амалга ошириш;

маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни иқтисодий қўллаб-қувватлаш мақсадида протекционизм сиёсатини доимий равишда амалга ошириш;

унумдорлиги паст бўлган, шунингдек, насослар билан суғориладиган майдонларда давлат эҳтиёжлари учун пахта ва ғалла етиштирувчи фермер хўжаликларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизминини такомиллаштириб бориш.

10. Агротехника фанини ривожлантириш ва илм-фан ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш. Бу соҳада:

атроф-муҳитга экологик зарар келтирмайдиган техника ва технология ҳамда хомашё ресурсларини қайта ишлашда янги услублар ишлаб чиқиш ва мавжудларини такомиллаштириш;

пахтачилик ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинларининг истикболли навлари бирламчи уруғчилигини ташкил қилиш тизимини такомиллаштириш;

қишлоқ хўжалигининг амалий муаммоларини ҳал этишда инновацион лойиҳалардан кенг фойдаланиш ва бунда инновацион лойиҳаларни молиялаштиришнинг банк орқали кредитлаш тизимини жорий этиш;

қишлоқ хўжалигида ген муҳандислиги борасида тўпланган жаҳон тажрибасидан кенг фойдаланган ҳолда миллий тизимни яратиш;

экологик тоза қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари яратиш устида кенг қамровли ишлар олиб бориш;

хориждан келтирилган насли уруғлар асосида юқори маҳсулдор маҳаллий чорва моллари, парранда ва пилла қурти зотларини яратиш.

11. Қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш ва аҳоли даромадларини ошириш.

Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация қилиш шароитида фермер хўжаликларида ташқи иқтисодий муносабатларни ривожлантириш учун қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилмоғи лозим:

- фермер хўжаликларида ташқи иқтисодий фаолиятни ташкил этиш тушунчаси, унинг зарурияти ва аграр соҳага хос хусусиятларини илмий жиҳатдан асослаш;

- фермер хўжаликларида ташқи иқтисодий фаолиятни ташкил этиш ва ривожлантиришни ички ва ташқи омилларини ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий асосларини такомиллаштириш;

- фермер хўжаликларида ташқи иқтисодий фаолиятни ташкил этиш ва такомиллаштириш бўйича хорижий мамлакатлар ва бозор иқтисодиётига ўтаётган

давлатларнинг илғор тажрибасидан Ўзбекистон шароитида фойдаланиш йўналишларини аниқлаш;

- ер майдонлари оптималлашган турли қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган фермер хўжаликларида ташқи иқтисодий фаолиятини ташкил этишнинг асосий йўналишларини белгилаш;

- фермер хўжаликларини барқарор ривожланишини таъминлашда ташқи иқтисодий фаолиятини бошқариш стратегиясини шакллантириш;

- фермер хўжаликларида ташқи иқтисодий фаолиятини кооперацияларга бирлашиш ва давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг асосий йўналишлари ва механизмларини такомиллаштириш.

Қишлоқ хўжалигига талабни қондирадиган даражада инвестиция (капитал қўйилма)лар сарфланишини келажакда ишончли таъминлаш учун инвестицияларни амалга оширувчи юридик ҳамда жисмоний шахслар кўламини кенгайтириш талаб этилади.

III-БОБ. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТАРМОҚЛАРИГА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

3.1. Қишлоқ хўжалиги тармоқларига инвестицияни жалб этиш билан боғлиқ муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари

Республикамизда қишлоқ хўжалигини инвестициялаш амалиётини такомиллаштириш борасида қатор муаммолар мавжуд. Улардан асосийлари, фикримизча, қуйидагилардан иборат:

1. Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини минерал ўғитлар билан таъминлаш тизимини инвестициялаш ҳажми ва сифатини ошириш муаммоси.

Маълумки, минерал ўғитлар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг самарадорлигини таъминлашнинг зарурий омили ҳисобланади. Лекин республикамизда калийли ва фосфорли ўғитлар ишлаб чиқариш уларга бўлган талабнинг атиги 3 фоизини қондиради. Шунинг учун мазкур ўғит турларини деярли тўлиқ импорт қилаётимиз. Бу эса, импорт ҳажмининг ошишига хизмат қилмоқда.

2. Тижорат банклари томонидан қишлоқ хўжаликларига берилган лизинг кредитлари самарадорлигига салбий таъсир этувчи муаммоларнинг мавжудлиги.

Ушбу муаммолар таркибига асосан икки муаммо киради. Биринчи муаммонинг моҳияти шундаки, тижорат банки лизинг объектини қабул қилиб олиш далолатномаси имзолангандан сўнг лизинг кредитига фоиз ҳисоблашни бошлаш ҳуқуқига эга. Аммо, айрим маъсулиятсиз сотувчилар туфайли лизинг объектини етказиб бериш кечиктирилмоқда. Бунинг натижасида тижорат банклари лизинг кредитларининг даромадлилиги пасаймоқда.

Иккинчи муаммонинг моҳияти шундаки, айрим қишлоқ хўжалиги корхоналари ўзларининг ишлаб чиқариш – молиявий фаолиятини нормал йўлга қўйишнинг уддасидан чиқмаяптилар. Натижада, улар лизинг тўловларини ўз вақтида амалга ошира олмаптилар. Бу эса, лизинг кредитидан фойдаланиш самарадорлигига салбий таъсир қилмоқда.

Лизинг асосида қишлоқ хўжаликлари фаолиятини молиялаштириш лизинг битимида иштирок этувчи барча томонларнинг манфаатларига тўлиқ мос келиши лозим. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, лизинг операцияси лизинг битимида иштирок этадиган учала томоннинг иқтисодий ва молиявий имкониятларининг ошишига хизмат қилиши лозим:

– лизинг компанияси ёки лизинг кредити берган тижорат банки лизинг тўловларини ўз вақтида ва тўлиқ олиши лозим. Бунинг натижасида, биринчидан, улар узоқ муддат мобайнида барқарор фоизли даромад олиш имкониятига эга бўладилар; иккинчидан, лизинг объектига ҳисобланган амортизация ажратмасини ўз вақтида тўпланиши тижорат банкига ёки лизинг компаниясига янги лизинг объектини сотиб олиш имконини беради;

– лизингга олувчи қишлоқ хўжалиги ўз айланма маблағлари етишмаслиги шароитида инвестицион харажатларини лизинг кредити ҳисобига молиялаштириш имкониятига эга бўлади;

– лизинг объектини сотувчи ишлаб чиқарган маҳсулотини тўла қийматда сотиш имкониятига эга бўлади.

Юқорида эътироф этилган иқтисодий манфаатлар муштараклигини таъминлаш учун лизинг кредитларидан самарали фойдаланиш зарурий шартга айланади. Агар лизинг кредитини қайтаришда муаммолар юзага келса, у ҳолда лизинг битимида иштирок этувчи ҳар учала томоннинг иқтисодий манфаатларига путур етади. Яъни, биринчидан, лизинг кредитининг ўз вақтида қайтмаслиги тижорат банкининг ликвидлилигига ва молиявий ҳолатига салбий таъсир кўрсатади. Бу эса, ўз навбатида, лизинг объектини сотувчининг хўжалик фаолиятига ҳам салбий таъсир этади. Чунки, тижорат банки лизинг объектини аввалги ҳажмда сотиб ололмайди. Иккинчидан, лизинг кредитини ўз вақтида қайтмаслиги лизингга олувчининг молиявий ҳолатига жиддий зиён етказди.

3. Тижорат банклари ва лизинг компаниялари томонидан мамлакатимиз ҳудудида фаолият кўрсатадиган қишлоқ хўжаликларига берилган лизинг кредитлари фоиз ставкаларининг юқори эканлиги.

Бу эса, инфляция даражасига, ҳукумат қимматли қоғозларининг аукцион даромадлилик даражасига ва тижорат банклари кредитларининг ўртача фоиз ставкасига нисбатан сезиларли даражада юқори бўлган фоиз ставкаси бўлиб, қишлоқ хўжаликлари фаолиятини лизинг асосида молиялаштириш ҳажмини оширишга тўсқинлик қилади.

4. Ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида жаҳон молиявий иқтисодий-инқирози муносабати билан қишлоқ хўжаликлари пул оқимининг заифлашуви кузатилмоқда. Бунинг асосий сабаби

шундаки, кишлок хўжаликлари томонидан сотилган товарлар ва кўрсатилган хизматлар бўйича тўловларни ўз вақтида ундириш кечикмоқда. Бунинг натижасида улар лизинг тўловларини ўз вақтида амалга ошириш имкониятига эга бўлмай қолмоқда. Оқибатда тижорат банклари ва лизинг компаниялари кишлок хўжаликлари фаолиятини лизинг асосида молиялаштириш операцияларини риск даражаси юкори бўлган операциялар сифатида баҳолашмоқда.

5. Ҳозирги вақтда кишлок хўжалигида фаол инвестиция сиёсатини олиб боришда кадрлар билан таъминлаш масаласи инвестицияларни жалб этишда муҳим аҳамият касб этади. Инвестицион прогнозлар ва дастурлар, бизнес режалар ишлаб чиқиш ва баҳолаш, инвесторлар топиш, рақобат, инфляция, бозор конъюнктурасининг номўътадил шароитларида лойиҳаларни бошқариш учун янги билим ва тажрибалар талаб қилинади. Бунда кадрларнинг билими, малакаси, савияси етарли бўлмаган мутахассислар ҳисобига шаклланганлиги инвестиция бизнеси ривожига салбий таъсир кўрсатади. Инвестиция сиёсатида малакали кадрлар билан таъминлаш борасида қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

- иқтисодий, техник ва кишлок хўжалигига ихтисослашган олий таълим муассасаларида инвестиция – инновация фаолиятлари бўйича мутахассислар тайёрлашни кенгайтириш;

- инвестиция лойиҳалари ва дастурлари бўйича буюртмачилар, раҳбарлар ва менежерларни мақсадли тайёрлаш;

- кишлок хўжалигидаги инвестиция лойиҳалари бўйича шериклар топиш ва бизнес режаларни тўлдириш мақсадида етакчи маҳаллий ва хорижий корхоналарда хўжалик раҳбарларининг малакаларини ошириш;

- инвестиция бизнеси услубиёти ва амалиёти масалалари бўйича Интернетдан фойдаланган ҳолда масофавий ўқишларни ташкиллаштириш.

Республика минтақаларида кишлок хўжалигига кириб келадиган инвестициялар кўламини кенгайтириш учун қуйидагиларни амалга ошириш лозим:

- Амалдаги солиқ тизимини такомиллаштириш орқали ишлаб чиқаришни рағбатлантириш ва солиқ қонунчилигини соддалаштириш, ер солиғини кишлок хўжалигида ернинг сифати ёмонлашганда, яъни бонитет балли пасайганда солиқ ставкасини ҳам мос равишда камайтириш керак. Жисмоний шахслар даромадидан тўланадиган солиқни икки босқичли тарзда амалга ошириш тавсия қилинади

- Қонунда белгиланган банкротлик механизмнинг амалиётда ишлашига эришиш, яъни паст рентабелли, ночор, зарар кўриб ишлаётган кишлок хўжалик корхоналарини батамом тугатиш ва улар негизда деҳқон ва кишлок хўжаликларини тузиш, кишлок хўжалигидаги шундай корхоналарни инвесторларга нол қиймат билан тақдим этиш;

- Депозит ва омонатлар фоиз ставкаларини ошириш орқали аҳоли ва корхоналарнинг бўш маблағларини инвестициялаш, кишлок хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига хизмат кўрсатувчи банкларда махсус омонат турларини жорий қилиш орқали уларнинг маблағларини кенг миқёсда омонатга жалб этиш;

- МДХ мамлакатларида товар, капитал ва ишчи кучи эркин ҳаракат қила оладиган бозорни шакллантириш;

- Хорижий инвесторлар билан тузилган шартномаларнинг ишончилигини таъминловчи ҳуқуқий базани ривожлантириш;

- Минтақаларда инвестиция сиёсати билан шуғулланувчи (бизнес, савдо ташкилотлари, университетлар, технологик трансфертлар марказлари, ижтимоий – инновацион фондлар, банклар) барча субъектларни бирлаштирувчи инновацион марказни яратиш лозим.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда шуни таъкидлаш лозимки, мамлакатимиз иқтисодиёти кишлок хўжалиги тармоғининг жадал ва самарали ривожланишида ҳам ички, ҳам ташқи инвестициялар муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун мамлакатимизда хорижий инвестициялар учун яратилган инвестиция муҳити амалга оширилаётган иқтисодий сиёсатнинг ҳал қилувчи муҳим омилларидан бирига айланиб қолди. Инвестицияларсиз молиявий инқироз даврида иқтисодий қийинчиликларни тезда ҳал қилиш ҳамда инқироз оқибатларини бартараф этиш, иқтисодий ўсишга эришиш, ижтимоий самаранинг ўсишини ва макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш имкони мавжуд эмас.

6. Мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқларида асосий капиталга қилинган инвестицияларнинг тақсимланишида номувофиқликларнинг мавжудлиги.

7. Тижорат банклари ва лизинг компанияларининг кишлок хўжалиги корхоналарига бериладиган лизинг кредитлари ҳажмини оширишга тўсқинлик қилаётган муаммоларнинг мавжудлиги.

Ушбу муаммолар мажмуига қуйидагилар киради:

а) республикамиз тижорат банклари депозит базасининг етарли эмаслиги.

б) республикамиз тижорат банкларида узоқ муддатли ресурсларнинг етишмаслиги муаммосининг мавжудлиги.

Лизинг кредитлари узоқ муддатли ресурсларнинг мавжудлигини талаб этади. Лекин, мамлакатимиз тижорат банкларида бир йилдан ортиқ муддатга жалб қилинган депозитларнинг жами депозитлардаги салмоғи 30 фоиздан ошмайди¹⁰.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банкларининг депозитларига нисбатан ўрнатиладиган мажбурий заҳира ставкалари депозитларнинг муддатига кўра қуйидаги тартибда табақалаштирилди:

- бир йилдан уч йилгача муддатга жалб қилинган депозитлар бўйича амалдаги заҳира ставкасининг 80 фоизи миқдорида;

- уч йилдан ортиқ муддатга жалб қилинган депозитлар бўйича амалдаги заҳира ставкасининг 70 фоизи миқдорида мажбурий заҳира талабномалари қўлланилади.

в) Лизинг компаниялари ресурс салоҳиятининг қишлоқ хўжалиги корхоналарининг лизингга бўлган талабига мос эмаслиги.

Лизинг компаниялари ҳозирги даврда лизинг операцияларининг асосий қисмини ўзларининг капитал базаси ҳисобидан молиялаштирмоқдалар. Тараққий этган мамлакатларда лизинг компаниялари молиявий ресурсларининг 70 фоизига қадар бўлган қисми тижорат банкларининг кредитлари ҳисобидан шакллантирилади.

3.2. Қишлоқ хўжалиги тармоқларига инвестицияларни жалб этиш истикболлари

Иқтисодий тараққиётнинг жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, аграр тармоқнинг жадал ўсиши мамлакатда умумий иқтисодиётнинг ўсиши учун асосий омиллардан бири бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун олис истикболда мамлакатимизнинг бутун иқтисодиёти барқарор ва узлуксиз ривожланиши учун макроиқтисодий кўрсаткичлар мувозанатида қишлоқ хўжалигининг ўрни алоҳида аҳамиятга эга.

Тадқиқотнинг олдинги бобларида амалга оширилган таҳлилларнинг натижаларига асосланган ҳолда, мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини инвестициялаш амалиётини такомиллаштиришга қаратилган қуйидаги фикрларни таклиф этдик:

1. Азотли ўғит ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг техник ва технологик жиҳатдан қайта қурулантириш мақсадида уларга имтиёзли кредитлар ва солиқ имтиёзлари беришни жорий этиш лозим; иккинчидан азотли ўғитларни товар фючерслари орқали сотиш йўли билан улар баҳосининг барқарорлик даражасини сақлаб қолиш лозим.

Ўзбекистон Республикасида катта миқдорда азотли ўғитлар ишлаб чиқарилади ва уни Эрон, Покистон, Тожикистон, Афғонистонга экспорт қиламиз. Глобал иқтисодий инқироз натижасида азотли ўғитларга бўлган талаб камайди. Бу эса, уларнинг жаҳон баҳосининг пасайишига олиб келди.

2. Тижорат банклари томонидан қишлоқ хўжалиги корхоналарига берилган инвестицион кредитларнинг таъминоти сифатида ижара ҳуқуқидан фойдаланиш механизмини яратиш лозим. Ҳозирга қадар республикамизда ижара ҳуқуқидан инвестицион кредитларнинг таъминоти сифатида фойдаланиш механизми ишлаб чиқилмаган. Бунинг натижасида қишлоқ хўжаликлари эрга ижара ҳуқуқидан фойдаланиб инвестицион кредитлар олиш имкониятига эга бўлмайдилар. Айниқса, пахта толасининг жаҳон баҳоси пасайиб кетган ҳозирги шароитда ижара ҳуқуқидан таъминот объекти сифатида фойдаланиш қишлоқ хўжалигига берилган инвестицион кредитлар ҳажмини сезиларли даражада ошириш имконини берган бўлар эди.

3. Қишлоқ хўжаликлари ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналарнинг хорижий инвестициялар ва кредитлар бўйича тўлов юкининг оғирлашиб кетишига йўл қўймаслик мақсадида: биринчидан, миллий валютанинг девалвация жараёнини тўхтатиш лозим; иккинчидан, жалб этилаётган халқаро кредитларнинг имкон қадар катта қисмини белгиланган фоиз ставкаларида олиниши таъминлаш лозим.

4. Фермер хўжаликларининг пул оқимида салбий таъсир килувчи омилларни бартараф этиш мақсадида табиий монополиялар маҳсулотлари ва хизматлари баҳоларининг оқилона даражасини таъминлаш чораларини кўриш лозим.

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг 2012 йил якуни бўйича маълумотлари асосида.

5. Маълумки, фермер хўжалигини молиялаштиришда бюджет маблағлари асосий молиявий ресурс ҳисобланади. Бюджет маблағларини Ўзбекистон шароитида тўғри тақсимлашда 2 хил илмий ёндашув тавсия қилинади:

1 – усул. Барча субъектлар учун ишлаб чиқариш шароитларига боғлиқ бўлмаган ҳолда қишлоқ хўжалик экин майдонининг ҳар гектарига бир хил ягона сўммада молиялаштириш. Ушбу ёндашув усули барча ишлаб чиқарувчиларни психологик ва ижтимоий жиҳатдан бир хил мавқеда ушлаб туради. Иқтисодий жиҳатдан яхши ва табиий – иқтисодий шароитлари қониқарли аспектлар учун бу ижобий ҳолат ҳисобланса, ёмон ишлаб чиқариш шароитларига эга бўлганлар учун салбий ҳолатдир. Мазкур этишмовчиликни тўғрилаш учун ишлаб чиқаришнинг энг ёмон шарт шароитларини инвестициялашда асос қилиб олиш керак.

2 – усулнинг асосида ишлаб чиқариш шароитларининг оқсоқланиб қолаётган жиҳатларини ҳисобга олиб ёндошиши туради. Бу усул қишлоқ хўжалик субъектлари учун афзал ҳисобланади. Чунки кўшимча харажатлар билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш имконияти туғилади. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини бошқаришда истиқболларни белгилашнинг 3 та йўналиши мавжуд:

Инерцион сценарий – бу охириги йилларда қишлоқ хўжалигида кузатилган ўсиш суръатларига ҳосдир. Масалан, қишлоқ хўжалигида асосий капиталга сарфланган инвестициялар қиймати ошиб боргани ҳолда, жами инвестицияларга нисбатан тармоққа сарфланаётган улуш пасайиш тенденциясига эга. Бундай сценарий иқтисодиётни модернизациялаш босқичида салбий ҳолат деб баҳоланади. Мазкур ривожланиш усули ишлаб чиқаришни ва инновацион жараёнларни суи даражада инвестициялаш билан изоҳланади. Фермер хўжалиги ишлаб чиқаришида бу усул орқали давлатнинг фермер сиёсати ёрдамида қишлоқ хўжалигини инқироз ҳолатига тушиб қолишдан сақлаш мумкин, бироқ жадал тараққий эттириб бўлмайди.

Нисбатан қониқарли иккинчи дастур бу инновацион ривожланиш сценарийси бўлиб, у ишлаб чиқаришни сифатли иқтисодий ўсишини таъминлашга мўлжаллангандир. Ушбу йўлда мақсадга фақатгина давлатнинг республика ва маҳаллий миқёсда кучли ва фаол фермер сиёсат олиб бориши орқали этиб бориш мумкин.

Инновацион ривожланиш йўли АСМнинг технологик, бошқарув, иқтисодий ва ижтимоий жабҳаларида инновацион омилларни тезлик билан ўзлаштириб олишни талаб этади. У ҳудудларда қишлоқ хўжалик маҳсулоти ишлаб чиқаришнинг интенсив ўсишини истеъмолнинг рационал нормаси даражасигача таъминлаши лозим. Ривожланишнинг мазкур усули тармоқ ишлаб чиқаришини ҳам ишлаб чиқариш жиҳатдан, ҳам ташкилий нуқтаи назардан юқори суръатлар билан янгиланиб боришига асосланади. Асосланишнинг натижаси ишлаб чиқариш меҳнат унумдорлигининг ўсиши, барқарорлашиши ва фонд қайтимининг кўпайишига олиб келади.

Тезкор иқтисодий ўсишнинг бу усулига ўтиш осон кечмайди. Лекин шу юл орқали ҳукумат дастурида кўзда тутилган қишлоқ хўжалигининг ривожланиш кўрсаткичларини таъминлаш имконияти мавжуд.

Юқоридаги усулга боғлиқ ҳолда, учинчи бир йўл фаол иқтисодий ўсиш сценарийсини амалда қўллаш тавсия қилинади, яъни қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини босқичма-босқич ривожлантириш усули. Бунда чорвачилик тармоғини тезкор ривожлантиришга эътибор қаратиш керак. Ривожланишнинг мазкур усули маҳсулот ишлаб чиқариш самарадорлигини ишлаб чиқариш қувватларини янгиллаб бориш асосида тўхтовсиз ошириб боришни ҳамда маҳаллий бозорлардан озиқ – овқат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари хом – ашёларининг инфраструктурасини яратишни кўзда тутати. Ҳозирги вақтда фаол иқтисодий ўсиш сценарийси ички захиралардан келиб чиққан ҳолда қишлоқ хўжалигида бозор механизми билан давлат бошқаруви механизми ўртасидаги муносабатни мувофиқлаштириб туриши керак.

Ривожланган индустриал мамлакатларнинг кичик бизнес субъектларини микрокредитлаш амалиётининг тажрибаларини ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, тижорат банкларининг иқтисодиётининг устувор тармоқларида фаолият кўрсатаётган кичик бизнес субъектларини кредитлашдан манфаатдорлигини оширишнинг муҳим зарурий шарт – шароитларидан бири давлат томонидан уларга берилган кредитлар бўйича кредит рискинни камайтиришни молиявий қўллаб – қувватлашиши ҳисобланади. Германия, Австрия, Франция каби ривожланган давлатларда тижорат банклари томонидан қишлоқ хўжалик корхоналарига берилган кредитларнинг фоиз ставкаларининг маълум қисми, кўпчилик ҳолларда 50 фоизи Давлат бюджетининг маблағлари ҳисобидан субсидиялаштирилади. Бунинг натижасида, биринчидан, тижорат банкининг берилган кредитлар бўйича фоиз тўловларини ўз вақтида ва тўлиқ ундириш имконияти ошади; иккинчидан, кредитнинг асосий қарз сўммасини ундириш эҳтимоли ҳам ошади, чунки фоиз ставкаси берилган

кредитнинг баҳоси ҳисобланади. Шу сабабли, унинг даражаси қанчалик юқори бўлса, кредитнинг қайтмаслик эҳтимоли ҳам шунча юқори бўлади. Демак, давлат бюджетининг маблағлари ҳисобидан тижорат банклари томонидан иқтисодиётининг устувор тармоқларида фаолият кўрсатаётган кичик бизнес субъектларига берилган микрокредитларнинг фоиз ставкасини субсидиялаштирилиши мазкур корхоналарнинг кредитни қайтариш имкониятини оширади.

3.3. Фермер хўжаликларини экспорт салоҳиятига инвестициялар жалб қилиш

Эркин бозор иқтисодиёти босқичма-босқич шакллантирилаётган Ўзбекистон Республикаси фермер хўжаларини ривожлантириш мақсадида инвестициялар сарфланиши объектив зарурият ҳисобланади. Фермер хўжаликларини устувор шаклда ривожлантириш учун унинг моддий-техника базасини мустаҳкам равишда барпо этиш зарур. Бунинг учун уни замонавий бино-иншоотлар, барча турдаги зарур техникалар, қишлоқ хўжалик механизмлари, ички ирригация ва мелиорация иншоотлари, серунум, тезпишар навлар, зотли, маҳсулдор ҳайвонлар ҳамда айланма воситалар ва бошқа ишлаб чиқариш воситалари билан таъминлаш лозим.

Фермер хўжаликларига жалб қилинган маблағларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- қишлоқ хўжалиги учун давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар;
- ҳамкорлардан олинадиган маблағлар;
- турли хил қарзлар, шу жумладан, тижорат банкларидан олинадиган кредитлар;
- хўжалик аъзоларининг бўш ётган маблағларини жалб этиш;
- хорижий, давлат корхоналари ҳамда шахсий корхоналар ва фуқароларнинг

маблағлари;

Бунинг натижасида фермер хўжаликларини ривожланиши қишлоқ хўжалик тармоғини юксалишига, ишлаб чиқариш салоҳияти, экспортбоб импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар яратитлиши билан давлат ЯМДни ортишига салмоқли ҳисса қўшади.

Ҳозирги даврда инвестицион маблағлар янги, самарали технологияга ҳамда интеллектуал мулкни барпо этишга ҳам сарфланиши мақсадга мувофиқдир.

Шуларни эътиборга олган ҳолда республикада барқарор инвестицион сиёсат ишлаб чиқилган. У мамлакатда «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги, «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги (1998й) қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида амалга оширилмоқда.

Инвестициялар мақсад ҳамда вазифаларига кўра, қуйидаги турларга бўлинади:

- капитал инвестициялар;
- инновацион инвестициялар;
- ижтимоий инвестициялар.

Демак, инвестиция маблағлари фермер хўжаликларини доимий ва ўзгарувчан капитални ҳамда интеллектни барпо этиш ва уларни ривожлантириш ҳамда юксалтириш учун сарфланади.

Бозор иқтисодиёти шароитида инвестицион сиёсатни шакллантиришда қуйидагиларга алоҳида эътибор бериш керак:

■ тендер асосида рақобатбардош лойиҳаларни танлашга. Бу қишлоқ хўжалигида инвестицион лойиҳалар бозори барпо этилишини таъминлайди;

■ қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган инвестицияларнинг иқтисодий жиҳатдан асосланганлигига. Қишлоқ хўжалиги табиий-иқтисодий омилларининг хусусиятлари реал ҳисобга олинган ҳолда иқтисодий-ижтимоий натижалари аниқланган бўлиши зарур. Чунки, аксарият ҳолларда лойиҳада белгиланган маблағлар кўзда тутилган тадбирларни бажариш учун етмайди, оқибатда кўзланган мақсадга эришилмайди. Бу ҳол инвестицион лойиҳалар узок муддатга чўзилишига олиб келади;

■ чет эл инвесторларини ва уларнинг инвестицияларини қишлоқ хўжалигига жалб этиш учун қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқарилаётган барча маҳсулотларга бўлган шахсий ва хусусий мулкчиликни ривожлантириш лозим.

Барча омилларни эътиборга олган ҳолда сарфланадиган инвестициялар фермер хўжаликларининг мустаҳкам моддий-техника базасини барпо этиш билан ишлаб чиқариш ва экспорт салоҳиятини ортиради.

Фермер хўжаликларига жалб этилган инвестициялардаги ўзгаришлар жами талабга етарлича таъсир кўрсатади, шунингдек аҳолининг бандлиги ва ялпи миллий даромад (ЯМД) ҳажмининг ҳам ўзгаришини таъминлайди.

Иккинчидан, инвестициялар корхонанинг асосий фондлари жамғарилишига, яъни кўпайишига олиб келади. Бунда ишлаб чиқариш кучларини кенгайтиришга сарф қилинган пул

маблағлари бошланғич босқичда корхона фаолияти натижаларига таъсир этмаслиги мумкин, лекин келажакда иқтисодий ўсиш учун зарур базани яратади.

Барча манбалардан шаклланаётган инвестиция маблағларини фермер хўжаликларида қуйидагиларга сарфлаш мақсадга мувофиқдир:

- фойдаланилаётган ерларнинг унумдорлиги юксалишини таъминлайдиган тадбирлар мажмуасини бажаришга;

- янги ерларни комплекс ўзлаштиришга;

- тармоқда фан ва самарали технологияларни ривожлантиришга;

- ирригация, мелиорация шаҳобчаларини қуришга, мавжудларининг ишга яроқлилигини таъминлаш мақсадида таъмирлашга;

- янги, самарали тракторларни, машиналарни, комбайнларни сотиб олиш ва мавжудларини таъмирлашга;

- ишлаб чиқариш бино-иншоотларини қуришга, мавжудларини таъмирлашга;

- кўп йиллик дарахтзорлар, боғзор, токзорлар яратишга;

- сермахсул чорва ҳайвонларини талаб даражасида кўпайтиришга;

- тармоқни барча ишлаб чиқариш воситалари билан таъминлашга;

- меҳнат ресурсларини такрор ишлаб чиқариш, интеллектуал мулкни ривожлантиришга;

- ижтимоий соҳаларни ривожлантиришга ва бошқаларга.

Барча йўналишлар бўйича фермер хўжалигига сарфланаётган инвестиция (капитал қўйилма) ларнинг мақсадга мувофиқ йўналтирилиши билан юқори самарадорликка эришиш ва фермер хўжаликларида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни экспорт қилиш имконияти ортиши кузатилади.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Ҳар қандай корхона ёки тадбиркор у ёки бу даражада инвестиция фаолияти билан бевосита боғлиқдир. Тадбиркорлик фаолиятида амалий жиҳатдан ҳар куни инвестицияга оид қарорлар қабул қилинади. Шунинг, учун тадбиркорлар ёки менежерлар инвестицияни жалб этиш қонун қоидаларини яхши билиши лозим. Таъкидлаш керакки, инвестицияни қишлоқ хўжалиги тармоқларини 3 гуруҳга, яъни ишлаб чиқариш (чорвачилик, дешончилик, хўжалик субъектлари қошидаги қайта ишлаш цехлари ва бошқалар), хизмат кўрсатиш (маиший хизмат кўрсатиш, МТП, ирригация тизимлари, СФУ, минерал ўғитлар ва нефт маҳсулотларини сотиш шаҳобчалари ва боқалар) ва ижтимоий соҳалар (кадрлар таёрлаш ва малакасини ошириш, табиий хизмат кўрсатиш шаҳобчалари, газ, ичимлик суви билан таъминлаш ва боқалар) ажратиб, инвестицияларни устивор даражада реал секторга йўналтириш, ундан кейин қолган соҳаларни риводлантириш ва хизмат кўрсатиш ҳамда ижтимоий соҳаларга жалб этиш мақсадга мувофиқдир.

Бугунги кунда аграр соҳада бир қанча муаммолар мавжудки, улар тармоққа инвестицион фаолликни оширишга тўсқинлик қилади, жумладан:

- Хўжаликларнинг машина-трактор ва транспорт воситалари билан таъминланиш даражасининг пастлиги;
- Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан бошқа соҳа маҳсулотлари ўртасидаги баҳоларнинг номутаносиблиги;
- Амортизация фондидан фойдаланишнинг кескин қисқартириш;
- Қишлоқ хўжалиги техникаларидан фойдаланишнинг мавсумий характерга эгалиги;
- Суғориладиган ерларнинг шўрланиш даражаси ошиб бориши натижасида, унумдорликнинг камайиб бориши;
- Қишлоқ хўжалигининг баъзи бир соҳаларида йил давомида харажатлар қилиб борилиши ва фақат йил охирида даромад олиниши;
- Маҳсулотларни етиштиришнинг табиий-иқлим шароитга боғлиқлиги;
- Суғурта тизимининг номувофиқлиги;
- Инвестиция лойиҳалари бўйича маълумотлар тарқалмаганлиги;
- Қимматли қоғозлар бозорининг ривожланмаганлиги;
- Бозор инфратузилмасининг шаклланмаганлиги ва бошқалар.
- Бизнингча, қишлоқ хўжалигида инвестицияларни самарали жойлаштириш қуйидаги муаммоларнинг ҳал этилишига хизмат қилади;
- Қишлоқларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган кичик корхоналар қурулиши ва янги иш ўринлари ташкил этилиши дешончилик маданиятини оширади;
- Қишлоқ хўжалигига инвестицияларни жалб этиш орқали замонавий техника ва технологиялар парки кўпайиб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш имконияти янада кенгаяди;
- Хорижий инвестицияларни жалб этиш ҳисобига қурилган корхоналарда импорт ўрнини қопловчи ва экспортга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун имконият яратилади;
- Солиқ тўловчиларнинг сони кўпайиб, маҳалли республика бюджетиинг даромади ошади;
- Қишлоқ жойларда янги корхоналар ташкил этилиши натижасида инфратузилманинг қўшимча шаҳобчалари пайдо бўлишига тўртки бўлади;
- Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилиш натижасида валюта захиралари кўпаяди.

Ушбу омиллар мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш учун соҳада инвестицион фаолиятини кучайтириш заруриятини келтириб чиқаради. Бу эса қилоқ аҳолисининг турмуш даражаси ва фаровонлигини янада ошишига хизмат қилади.

Ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалигида фаол инвестиция сиёсатини олиб боришда кадрлар билан таъминлаш масаласи инвестицияларни жалб этишда муҳим аҳамият касб этади. Инвестицион прогнозлар ва дастурлар, бизнес режалар ишлаб чиқиш ва баҳолаш, инвесторлар топиш, рақобат, инфляция, бозор конъюнктурасининг номўътадил шароитларида лойиҳаларни бошқариш учун янги билим ва тажрибалар талаб қилинади. Бунда кадрларнинг билими, малакаси, савияси етарли бўлмаган мутахассислар ҳисобига шаклланганлиги инвестиция бизнеси ривожига салбий таъсир кўрсатади. Инвестиция сиёсатида малакали кадрлар билан таъминлаш борасида қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

иқтисодий, техник ва қишлоқ хўжалигига ихтисослашган олий таълим муассасаларида инвестиция – инновация фаолиятлари бўйича мутахассислар тайёрлашни кенгайтириш;

инвестиция лойиҳалари ва дастурлари бўйича буюртмачилар, раҳбарлар ва менежерларни мақсадли тайёрлаш;

қишлоқ хўжалигидаги инвестиция лойиҳалари бўйича шериклар топиш ва бизнес режаларни тўлдириш мақсадида етакчи маҳаллий ва хорижий корхоналарда хўжалик раҳбарларининг малакаларини ошириш;

инвестиция бизнеси услубиёти ва амалиёти масалалари бўйича Интернетдан фойдаланган ҳолда масофавий ўқишларни ташкиллаштириш.

Республика минтақаларида қишлоқ хўжалигига кириб келадиган инвестициялар қўламини кенгайтириш учун қуйидагиларни амалга ошириш лозим:

Амалдаги солиқ тизимини такомиллаштириш орқали ишлаб чиқаришни рағбатлантириш ва солиқ қонунчилигини соддалаштириш, ер солиғини қишлоқ хўжалигида ернинг сифати ёмонлашганда, яъни бонитет балли пасайганда солиқ ставкасини ҳам мос равишда камайтириш керак. Жисмоний шахслар даромадидан тўланадиган солиқни икки босқичли тарзда амалга ошириш тавсия қилинади

Қонунда белгиланган банкротлик механизмнинг амалиётда ишлашига эришиш, яъни паст рентабелли, ночор, зарар кўриб ишлаётган қишлоқ хўжалик корхоналарини батамом тугатиш ва улар негизда деҳқон ва қишлоқ хўжаликларини тузиш, қишлоқ хўжалигидаги шундай корхоналарни инвесторларга нол қиймат билан тақдим этиш;

Депозит ва омонатлар фоиз ставкаларини ошириш орқали аҳоли ва корхоналарнинг бўш маблағларини инвестициялаш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига хизмат кўрсатувчи банкларда махсус омонат турларини жорий қилиш орқали уларнинг маблағларини кенг миқёсда омонатга жалб этиш;

МДХ мамлакатларида товар, капитал ва ишчи кучи эркин ҳаракат қила оладиган бозорни шакллантириш;

Хорижий инвесторлар билан тузилган шартномаларнинг ишончилигини таъминловчи ҳуқуқий базани ривожлантириш;

Минтақаларда инвестиция сиёсати билан шуғулланувчи (бизнес, савдо ташкилотлари, университетлар, технологик трансфертлар марказлари, ижтимоий – инновацион фондлар, банклар) барча субъектларни бирлаштирувчи инновацион марказни яратиш лозим.

Фермер хўжаликларида етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозоргирлиги ва рақобатбардошлигини ошириш, сотиш, сақлаш, ташиш тизимидаги агротехнологик, ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий омилларга боғлиқ бўлган камчиликлар, муаммолар ҳамда номутоносибликларнинг сақланиб қолаётганлиги уларнинг барқарор ривожланишига салбий таъсир кўрсатмоқда. Бунинг учун эса фермер хўжаликларининг барқарор ривожланишини таъминлашда мавжуд ресурслардан самарали фойдаланишларида ташқи иқтисодий фаолиятини ташкил этиш ва такомиллаштиришнинг аниқ кенг қамровли чора-тадбирлари ишлаб чиқиши ва уни босқичма-босқич амалга ошириш тўғрисида истиқболли йўналишлар ишлаб чиқиши зарур бўлади.

Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация қилиш шароитида фермер хўжаликларида ташқи иқтисодий муносабатларни ривожлантириш учун қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилмоғи лозим:

- фермер хўжаликларида ташқи иқтисодий фаолиятни ташкил этиш тушунчаси, унинг зарурияти ва аграр соҳага хос хусусиятларини илмий жиҳатдан асослаш;

- фермер хўжаликларида ташқи иқтисодий фаолиятни ташкил этиш ва ривожлантиришни ички ва ташқи омилларини ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий асосларини такомиллаштириш;

- фермер хўжаликларида ташқи иқтисодий фаолиятни ташкил этиш ва такомиллаштириш бўйича хорижий мамлакатлар ва бозор иқтисодиётига ўтаётган давлатларнинг илғор тажрибасидан Ўзбекистон шароитида фойдаланиш йўналишларини аниқлаш;

- ер майдонлари оптималлашган турли қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган фермер хўжаликларида ташқи иқтисодий фаолиятини ташкил этишнинг асосий йўналишларини белгилаш;

- фермер хўжаликларини барқарор ривожланишини таъминлашда ташқи иқтисодий фаолиятини бошқариш стратегиясини шакллантириш;

- фермер хўжаликларида ташқи иқтисодий фаолиятини кооперацияларга бирлашиш ва давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг асосий йўналишлари ва механизмларини такомиллаштириш.

Қишлоқ хўжалигига талабни қондирадиган даражада инвестиция (капитал қўйилма)лар сарфланишини келажакда ишончли таъминлаш учун инвестицияларни амалга оширувчи юридик ҳамда жисмоний шахслар қўламини кенгайтириш талаб этилади. Бундай шахслар республика ёки чет давлатлардан бўлиши мумкин. Бунда, ҳозирги даврда қишлоқ хўжалигидаги инвестицион жараённи шакллантиришда сушт қатнашаётган инвесторларни интенсивроқ жалб этишга алоҳида эътибор бериш

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Т.: “Адолат”, 1992
2. Ўзбекистон Республикасининг “Хорижий инвестициялар тўғрисида”ги қонуни.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Хорижий инвесторларнинг ҳуқуқлари кафолатлари ва ҳимоялаш чоралари тўғрисида”ги Қонуни, 1998 йил.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонуни. 1998 йил.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Қимматли қўғозлар бозорида инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни. 2001 йил.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонуни. 2009 йил.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 31.05.1996 й. ПФ-1467-сонли Фармони.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хорижий инвестициялар иштирокидаги лойиҳаларни амалга ошириш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 09.02.1998 й. ПФ-1924-сонли Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хорижий инвестициялар ва кредитларни жалб этиш ҳамда ўзлаштириш жараёнини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 24.07.2008 й. ПҚ-927-сонли Қарори.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари молиявий барқарорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлари тўғрисида”ги 18.11.2008 й. ПФ-4053-сонли Фармони.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 28.11.2008 й. ПФ-4058-сонли Фармони.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 31 октябрдаги “2012-2015 йилларда Республика озиқ-овқат саноатини бошқаришни ташкил этишни янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1633-сонли Қарори.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда
14. “Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш”. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2012 йил мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи. 2013 йил 19-январ.
15. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. “Халқ сўзи” газетаси. 2017 йил. 15 январь.
16. Демократик ислохотларни изчил давом эттириш, халқимиз учун тинч ва осойишта, муносиб ҳаёт даражасини яратиш – барқарор тараққиёт кафолатидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг VIII съезидаги маърузаси. 19.10.2016
17. Алексанов Д.С., Кошелев В.М. “Экономическая оценка инвестиций”. – М: “Колос- Пресс”, 2002.,-382с.
18. Боди З., Кейн А., Маркус А. "Принципы инвестиции" 4-е изд. - М: Изд.дом "Вильямс", 2002.,-984с.
19. Волков И.М., Грачева М.В. "Проектный анализ": Учебное пособие. МГУ им.М.В.Ломоносова Экономический фак-т. - М: ИНФРА-М, 2004г. - 495 с.
20. Гайбуллаев "Инвестиция иқтисодий самарадорлигини баҳолаш услубиятини такомиллашгариш"/ "Бозор, пул ва кредит". - Т.2002, №9-10 бет.38-41.
21. Гейзлер П.С., Завьялова О.В. "Управление проектами": Практическое пособие - Минск: Книжный дом; Мисанта, 2005г. -288 с.
22. Ғозибеков Д.Ғ., Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. Т.: "Молия" нашриёти, 2003 йил. 332 бет.

23. Ғозибеков Д.Ғ., Сабилов О.Ш. ва бошқалар "Лизинг муносабатлари назарияси ва амалиёти": Ўқув қўлланма/ Ўзбекистон Банклари Ассоциацияси; Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси. - Т.: "fan va texnologiya", 2004, -308 б.
24. Ендовицкий Д.А., Гиляровская Л.Т. "Комплексный анализ и контроль инвестиционной деятельности": Методология и практика, М: Финанс и статистика, 2001, -400с.
25. Жураев А.С., Хужамкулов Д.Ю., Маматов Б.С. "Инвестиция лойиҳалари таҳлили": Ўқув қўлланма. Т., "Шарқ", 2003, -256б.
26. Колтышюк Б.А. "Инвестиционные проекты": Учебник 2-е изд. - СПб: Издательство В.А.Михайлова, 2002. -622с.
27. Крушвиц Л., Шваке М. "Финансирование и инвестиции": Сборник задач и решений. Перевод с нем. – СПб.: Питер, 2001, - 320с.
28. Мазур И.И. «Управление проектами»: Учебное пособие 3-е издание – М.: Омега-Л, 2004г. -664 с.
29. Панов А.Н. "Инвестиционное проектирование и управление проектами" / Учебное пособие. - М: Экономика и финансы, 2002, - 200с.
30. Радионова С.П. "Оценка инвестиционных ресурсов предприятий": -СПб:"Альфа", 2001г. -208 с.
31. Самарходжаев Б. "Инвестиции в Республике Узбекистан": (Международно-частноправовой аспект) - Т., "Академия", 2003., -240с.
32. Гайбуллаев "Инвестиция иқтисодий самарадорлигини баҳолаш услубиятини такомиллаштириш"/ "Бозор, пул ва кредит". - Т.2002, №9-10 бет.38-41.
33. Ғозибеков Д.Ғ., Ўзбекистон Республикаси минтақаларида инвестицион муҳитни барпо этиш ва уни такомиллаштириш муаммолари. "Инвестицион муҳит ва иқтисодиётни ривожлантиришнинг минтақавий муаммолари" мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 йиллига, Фарғона Давлат Университетнинг 70 йиллиги ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури I босқичининг якунларига бағишланган илмий амалий конференция тезислари тўплами. 25-26 май, Фарғона, 2001.
34. Ғозибеков Д.Ғ., «Ўзбекистонда инвестициявий муҳит ва уни яхшилаш йўллари». "Ўзбекистон Республикаси банк тизимини ислоҳ қилиш жараёнида эркинлаштириш ва жаҳон тажрибасини қўллашнинг долзарб муаммолари". Мавзусидаги халқаро илмий - амалий конференция тўплами. БМА, 30 май, Тошкент, 2001.
35. Хошимов К. "Хорижий инвестициялар ҳудудий тақсимотини мукаммаллаштиришнинг солиқ усули / Бозор, пул ва кредит. - 2003. - N 1. - С. 37-39
36. Худайкулов З. "Ўзбекистонда инвестиция фаолиятини давлат томонидан бошқариш ва инвестиция фаоллиги муаммолари". / "Рынок ценных бумаг". - Т., 2002. - №2, стр.2-3
37. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг тегишли йиллар бўйича статистик тўпламлари
38. Наманган вилояти Статистика бошқармасининг тегишли йиллар бўйича статистик тўпламлари
39. www.uzinfoinvest.uz - «Ўзахборотинвест» агентлигининг расмий сайти.
40. [www. Unctad. Org](http://www.Unctad.Org).
41. www. adb. Org.